БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 90

15 ИЮНЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков Германия Демократик Республикаси Бош Министри О. Гротевольни қабул қилди (1-нчи бет).

А. П. Чехов хотираси (1-нчи бет).

Совет ватанпарварлигининг ёрқин намойиши (1-нчи бет).

СССР касаба союзларининг XI с'езди (2-нчи бет).

В. Скородумов. — Ишлабчиқариш майдонидан унумли фойдаланмоқдалар (2-нчи бет).

Усишда ва ҳосил олишда орқада қолган гўзаларни алоҳида парвариш қилиб, олдинги гўзаларга етказиб олайлик! Т. Орипов. — Мажлисбоз раҳбарлар ва ўт босган гўзалар ҳақида (2-нчи бет).

Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари Тошкент область колхозларининг далаларида (2-нчи бет).

Р. Мухаммадий—Меҳмонлар колхозда (2-нчи бет).

Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездида 1954 12 июньда ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи (3-нчи бет).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН (4-нчи бет).

Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездида (4-нчи бет).

«Француз сиёсатининг, миллий мустақиллик ва тинчлик сиёсатининг тантанасини та'минлайлик» (4-нчи бет).

Темир йўл транспорти ишларини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарайлик

Владимир Ильич Ленин темир йўл транспортининг халқ хўжалигида тутган ўрнини юқори баҳолаб, транспортсиз саноат блан қишлоқ хўжалиги ўртасида нормал алоқа бўлиши мумкин эмас, транспорт бу алоканинг моддий таянчи, деб айтган эди. Дарҳақиқат темир йўл транспорти социалистик экономикани ривожлантиришда бениҳоя катта роль ўйнайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати темир йўл транспортининг ишига ҳамавақт катта аҳамият бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори блан темир йўл транспорти ходимлари кенгашининг чақирилиши ва бу кенгашнинг партия, ҳукумат раҳбарлари иштирокида Кремльда, СССР Олий Советининг залида ўтказилиши темир йўл транспортига бениҳоя катта аҳамият берилаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Яқинда ўтказилган бу кенгаш ва унда темир йўл транспорти ишларини янада яхшилаш тўғрисида белгиланган тадбирлар фақат транспорт учунгина эмас, балки бутун социалистик хўжаликни ривожлантириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу кенгашнинг кўрсатмалари шоҳли темирйўлчиларимизни янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда.

Тошкент темир йўли халқ хўжалигининг барча тармоқлари, шу жумладан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришда бениҳоя катта роль ўйнайди. Иттифоқ ҳукуматининг бевосита ёрдами туфайли Тошкент темир йўл магистрали илғор-прогрессив техника блан та'миланди, Чирчиқ, Оҳангарон каби янги темир йўл тармоқлари қурилди, янги техникани эгаллаган кўп сонли кадрлар етиштирилди. Бу кадрлар темир йўл магистрали юк ташиш оборотини кенгайтиришда, давлат планларини тўла ва ошириб бажаришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Оғир юкли поездларни юргизиш ҳаракатининг ташаббусчилари — Урсатьевск депосининг машинисти Муравлев, Тошкент депосининг машинисти Султонов, вагонларга юкни зич қилиб ортишнинг ташаббускорларидан бири Пашина, Тошкент депосининг илғор машинистлари Башорат Мирбобоева, Синякин, Каримов ва бошқа ўртоқлар фидокорона меҳнатлари блан донг чиқардилар.

Урсатьевск депосининг машинисти — новатор ўртоқ Муравлев халқ хўжалик юкларини ташиш планини маблағ ва ёқилғини кам сарфлаган ҳолда анча ошириб бажармоқда. Кўп машинистлар ўртоқ Муравлевдан намуна олиб, унинг ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Паровозчилар Узоқ Қарағандадан келтириладиган ва қимматга тушадиган кўмирни ишлатишдан воз кечиб, Ўрта Осиёда чиқариладиган маҳаллий кўмирдан муваффақият блан фойдаланмоқдалар. Улар парвозларни ихтиётлик блан қараганликлари туфайли локомотивларни ювиб ремонт қилиш ўртасидаги йўл юриш муддатини минг километрга ва ўрта ремонт оралиғидаги йўл юриш муддатини 20 минг километрга оширдилар.

Темир йўл Тошкент бўлимининг коллективи вагонлар оборотини ошириш, оғир юк ортилган паровозларни ҳайдашда, вагонларга юкларни зичлаб ортишда ва темир йўл транспортидаги бошқа мавжуд резервлардан фойдаланишда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Шунга қарамай, Тошкент темир йўл магистрали халқ хўжалигининг ҳозирги талабларидан анча орқада қолиб бормоқда. Юк ортиш ва юк ташиш, айниқса муҳим юкларни ташиш плани бажарилмаётир. Локомотивларнинг техника тезлигини, вагонлар оборотини ошириш жуда секинлик блан бормоқда. Вагонларнинг узоқ вақт бекор туриб қолиш ҳоллари тез-тез рўй бериб туради. Темир йўл транспортидаги энг катта камчиликлардан бири, юк ортучи ташкилотлар блан ҳамкорликда иш олиб борилмаслиги натижасида темир йўл магистралининг бир ме'ёрда ишлаши та'миланмаганлигидир.

Темир йўл транспортининг бир ме'ёрда ишламаслигига айрим саноат корхоналари ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки темир йўл транспортининг график асосида бир ме'ёрда ишлаши вагонларга юк етказиб беручи саноат корхоналарига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунга қарамай, областьдаги «Таштекстильмаш», «Под'емник», «Чирчиксельмаш», Тошкент аравасозлик заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Янгийўл ёғ заводи ва шу каби йирик саноат корхоналарининг хўжалик раҳбарлари маҳсулотларни ўз вақтида тайёрлаш ва вагонларга ортиб жўнатишга етарли э'тибор бермаётирлар. Масалан, «Таштекстильмаш» заводи (директори ўртоқ Проскуряков) январь ойнинг биринчи ўнкунлигида ойлик планнинг 5 процентга миқдорида юк жўнатган бўлса, учинчи ўнкунликда 18 баравар кўп юк ортган. Февраль, март ва бошқа ойларда ҳам шу аҳволни кўрамиз. «Чирчиксельмаш» заводи эса муттасил равишда юк ортиш графигини бузиб келмоқда.

Афсуски бундай мисолларни бошқа корхоналарда ҳам учратиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент темир йўл бошқармаси айрим вақтларда юк жўнатучи корхоналарга ўз вақтида, етарли миқдорда вагонлар етказиб бермайди. Бундай воқиалар айниқса, Оҳангарон кўмир ҳавзасида тез-тез рўй бериб туради.

Бу фактлар темир йўл транспорти блан айрим корхоналар ўртасидаги ҳамкорликнинг анча бўш эканлигидан далолат беради. Транспорт ва саноат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозим. Социалистик экономиканинг манфаати шуни талаб қилади. Бизда халқ хўжалиги барча тармоқларининг фаолияти бир мақсадга — давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга қаратилгандир.

Темир йўл Тошкент бўлими раҳбарлари ва партия ташкилотларининг шу кунлардаги энг муҳим вазифаси — темир йўл магистралининг барча ишларини темир йўл транспорти ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Совет Иттифоқидаги барча темирйўлчиларга қарата қилган мурожаати асосида қайта қуришдан, агитация ва пропагандининг барча воситаларидан фойдаланиб, мурожаатни темирйўлчилар ўртасида кенг тушунтиришдан иборатдир.

«Ҳарбир темирйўлчи, — деб ёзилади темир йўл транспорти ходимлари активи Бутуниттифоқ кенгаши иштирокчиларининг мурожаатида, — транспортнинг янада аниқроқ ишлаши учун, саноат юклари: кўмир, нефть, руда, ёғоч, металл ва бошқалар, қишлоқ хўжалик юклари, халқ исте'мол қиладиган молларнинг тезроқ ташилиши учун, транспортдан фойдаланадиган ҳарбир совет киши-сиининг ишидан миннатдор бўлиши учун ўз қўлидан келган ҳамма ишни қилиши керак».

Темир йўл транспортининг барча ходимлари темир йўл ва унинг тармоқларидаги мавжуд резервлардан тўла фойдаланишлари, давлат юк ташиш планларини тўла ва ошириб бажариш учун барча имкониятларни сафарбар қилишлари лозим.

Темир йўл транспорти ишларини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтарайлик, унинг ишида янги қудратли юксалишга эришайлик!

СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. МАЛЕНКОВ Германия Демократик Республикаси Бош Министри О. Гротевольни қабул қилди

Германия Демократик Республикасининг Бош Министри О. Гротеволь СССРда даволанганидан ва дам олганидан кейин ўз ватанига жўнаб кетиш олдидан 11 июньда СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков томонидан қабул қилинди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари А. И. Микоян ва СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. А. Зорин қатнашдилар.

Суҳбат вақтида ГДР Ҳукуматини ва СССР Ҳукуматини қизиқтираётган бирқанча масалалар тилга олинди. Жумладан, Бош Министр О. Гротеволь Ғарбий Германияда ватанпарварлик ҳаракати ўсаётганлигига, бу ҳаракат Германияни қайта бирлаштириш учун шарт сифатида «европа мудофаа бирлашмаси»ни тузиш блан боғлиқ шартномаларни тугатишни ўзининг мақсади қилиб қўйганлигига э'тиборни жалб қилди. У Ғарбий Германиядаги миллий мафаатларни ҳимоя қилаётган та'сирли доиралар Ғарбий Германиянинг биртомонлама иқтисодий алоқаларига Совет Иттифоқи блан Ғарбий Германия учун фойдали бўлган муносабатларни ўрнатиш йўлида гов деб қараётганликларини ҳам кўрсатиб ўтди.

Шу муносабат блан Бош Министр О. Гротеволь башарти Ғарбий Германиянинг манфаатдор доиралари Ғарбий Германия блан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш ҳақида мурожаат қилсалар, Совет Иттифоқи Ҳукуматининг бунга э'тибор блан қарашини истаганлигини айтди.

Г. М. Маленков, Совет Иттифоқи Ҳукумати бундай мурожаатларга хайрихоҳлик блан қарайди, чунки Совет Иттифоқи блан Ғарбий Германия ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш ҳар иккала томоннинг манфаатларига жавоб беради ҳамда Германия проблемасини ҳал этишга ва Европада тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бермаслиги мумкин эмас, деди.

А. П. Чехов хотираси

Ўзбекистон жамоатчилиги улуғ рус ёзувчуси А. П. Чехов вафот этган кунинг 50 йиллигини кенг равишда нишонлашга тайёрғарлик кўрмоқда. Республиканинг корхона, муассаса ва ўқув юртларида ажойиб сўз устасининг хотирасига бағишланган лекция ва докладлар ўтказилади. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат халқ кутубхонасида рус адабиёти классигининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида катта виставка очилади. Ўзбекистон Давлат нашриёти ёзучининг бир томлик сайланма асарларини ўзбек тилида оммавий тираж блан нашр этади.

12 июньда Тошкент олимлар уйида А. П. Чехов вафот этган кунинг 50 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Буюк ёзучининг ижодий йўли тўғрисидаги докладдан кейин Олимлар уйи бадиий ҳаваскорлар коллективининг қатнашчилари «Айиқ» номли ҳазил-пьесани кўрсатдилар. А. П. Чехов ҳикоялари ўқиб берилди. (ЎзТАГ).

Совет ватанпарварлигининг ёрқин намойиши

Тинчлик, фаровонлик заёми

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи коллективи Совет ҳукуматининг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини зўр мамнуният блан кутиб олди. Цехларда ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Металлурглар ўз нутқларида жамғарган пулларининг бир қисмини жонажон давлатга қарзга беришга, севикли Ватанининг бахт-саодати йўлида янада зўр ғайрат блан меҳнат қилишга тайёр эканликларини айтдилар.

Совет заёмлари халқ манфаатларига тўла жавоб беради, — деди йиғилишда мартен цехининг пўлат эритучиси ўртоқ Мирзаматов. — Заём пуллари мамлакат экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни тезроқ амалга оширишга ёрдам беради.

Цех йиғилишларида сўзга чиққан ишчилар янги оширилган мажбуриятлар олдилар. Прокат цехининг старший вальцовкачиси ўртоқ Нуриддинов иш нормасини камида 110 процент бажаришга, ва'да берди.

Завод цехларида янги Давлат заёмига ёзилиш ғуюшқоқлик блан ўтмоқда.

Колозчиларнинг бирдамлиги

Қорасув районидаги Ленин номли колхоз а'золари ҳукуматнинг янги заём чиқариш ҳақидаги қарорини хурсандчилик блан кутиб олдилар. Ўша куни кечқурун бригада дала шийпонларидан бирига колхоз а'золаридан жуда кўп киши тўплади.

Янги давлат заёми чиқарилиши муносабати блан чақирилган митингни кекса колхозчи, коммунист Ғ. Иброҳимов очди. Митингда сўзга чиққан колхоз а'зоси С. Қосимов бундай деди:

— Янги заём давлатимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлайди, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада яхшилашни та'минлайди. Биз янги заём чиқариш ҳақидаги ҳукуматимизнинг қарорини якдиллик блан ма'куллаймиз ва мўл ҳосил етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, жамоат бойлигини кўпайтиришга ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Бизнинг ўз ҳалол меҳнатимиз блан жамғарган ва давлатга қарз тариқасида берилган маблағларимиз Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровонлигини оширишга сарф қилинсин.

Митингда яна бирнеча колхозчи чиқиб сўзлади. Митингдан кейинги дастлабки соатлардаёқ колхозчиларнинг деярли ҳаммаси бирдамлик блан заёмга ёзилдилар.

С. ЯХИН.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

Тошкентдаги «Под'ёмник» заводида янги заём чиқарилишига бағишланган кўпкишилик йиғилиш бўлиб ўтди. Қизил байроқли 2-нчи цехнинг токари Б. А. Родин ўз сўзида бундай деди:

— Совет кишилари Давлат заёмларининг аҳамиятини яхши тушинадилар. Бизнинг заёмларимиз халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришга, халқнинг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам беради. Биз заёмга якдиллик блан ёзиламиз, чунки мамлакатимизда ҳамма нарса меҳнаткашларнинг бахт саодати учун сарф қилинаётганлигини биламиз.

Ремонт-механика цехининг мастери Б. М. Павловский бундай деди:

— Заводимизнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари янги заёмнинг чиқарилишини қизғин табриклайдилар. Биз заём маблағлари янги уйжойлар ва ёруғ мактаблар қурилиши учун, ажойиб санаториялар, маданият уйлари, институтлар барпо этиш учун сарф қилинишини биламиз.

Митинг тамом бўлганидан кейин завод коллективи бирдамлик блан заёмга ёзилабошлади. (ЎзТАГ).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбек опера ва балет театрининг ташкил этилганига 15 йил тўлди. 12 июнь юбилей кунида театр коллективи М. Ашрафийнинг 1939 йилда ёзилган «Бўрон» номли биринчи ўзбек операсини кўрсатди. Операга автор дирижёрлик қилди.

Навоий номли театр ташкил этилган кундан бери ўтган йиллар ичида республиканинг ўз сафларида ашула ва рақс усталарини, оркестр артистларини бирлаштирган энг катта ижодий коллективига айланди. СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Ҳалима Носирова, республика халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Ғулом Абдурахмонов ва бошқа кўп артистларнинг номлари республикамиздан ташқарида ҳам машҳурдир. Ўзбек опера ва балет сан'атининг талантли усталари халқаро фестивальларда бирнеча марта қатнашдилар, Совет Иттифоқи ва чет элларгаги шаҳарларда муваффақият блан концертлар бердилар.

Ҳозир Навоий номли театрнинг репертуарида музика классиклари Глинка, Чайковский, Бизе, Делиб, Вердининг, шунингдек совет композиторлари Глиэр, Ашрафий, Содиқов, Гажибеков ва бошқаларнинг энг яхши асарлари бор. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 14 ИЮНЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Бекобод	98,1	2,6	Калинин	44,4	7,1
Бўка	92,5	1,9	Қорасув	33,3	9,1
Октябрь	74,7	10,2	Верхне-волинск	33,0	3,8
Оққўрғон	74,4	5,2	Гулистон	32,0	5,4
Пискент	73,9	4,9	Юқоричирчиқ	27,4	4,0
Чиноз	64,8	2,8	Оҳангарон	20,9	5,2
Ўртасарой	63,4	10,5	Тошкент	16,9	3,7
Янгийўл	62,1	12,4	Орджоникидзе	13,9	4,3
Сирдар'ё	52,1	10,9	Қуйичирчиқ	8,8	1,0
Ўртачирчиқ	47,9	7,2	Ховос	8,2	—
Мирзачўл	46,0	6,8	Паркент	1,9	0,4

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Бўка районидаги **Вильямс** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Азаматов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Мавлонов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Қаландаров**).

Бўка районидаги **Охунбобоев** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Ҳожиметов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Ризаев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Адиев**).

Оққўрғон районидаги **Ворошилов** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Отабоев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Саломов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Бойматов**).

Оққўрғон районидаги **Сталин** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Каржаулов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Тожимелов**).

Ўртасарой районидаги **«Полярная звезда»** колхози (колхоз раиси ўртоқ **Ким Пен Хва**, партия ташкилотининг секретари **Нам Семён**).

Юқоричирчиқ районидаги **«Правда»** колхози (колхоз раиси ўртоқ **И. А. Цой**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Когай**).

Оққўрғон районидаги **Охунбобоев** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Жиянов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Райимқулов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Мўминов**).

Бекобод районидаги **Молотов** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Усмонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Евқочаров**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ҳамидов**).

Бекобод районидаги **Киров** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Маҳкамов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Холматов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ғафуров**).

Бекобод районидаги **Дзержинский** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Шукуралиев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Султонов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Муҳаммедов**).

Илғор пиллачиларнинг муваффақияти

ЯНГИБОЗОР (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Юқоричирчиқ районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ М. Мусоева бошлиқ звено пиллачилари ҳарбир қути уруғдан 100 килограммдан пилла топшириш мажбуриятини олганлар. Улар қуртларни шу мажбуриятга муносиб равишда меҳр блан парвариш қилдилар. Бутун иш илғор пиллачиларнинг методи асосида олиб борилди. Бу жуда яхши натижа берди. Звено қуртларни қисқа муддатда боқиб етилтирди ва районда биринчи бўлиб, ҳозиргача ҳар қути уруғдан 96 килограммдан пилла топширди

Колхоз пиллачилари бу йил 71 қути қурт тутганлар. Уларнинг ҳаммаси қуртларни жадал усулда боқиб кўп пилла олишда ўртоқ Мусоевадан кейинда қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир колхозда давлатга пилла топшириш кун сайин кучаймоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

* * *

БЎКА. Қорақўйли қишлоқ советидаги Вильямс номли колхознинг пиллачилари ипак қуртлари боқишда илғор пиллачиларнинг бой тажрибалари ва агробиология янгиликларини дадил қўлланиб, давлатга тобора мўл пилла ҳосили топшириш ишларини эришмоқдалар.

Колхознинг ўртоқ Иброҳим Мўминов бошлиқ пиллачилик оригадаси ўтган йили 65 қути қурт уруғидан 82,5 килограммдан а'ло нав' пилла ҳосили топшириб, планни анча ошириб бажарган эди. Бригада пиллачилари бу йил 95 қути қурт уруғи тутдилар. Қурт боқиш жадал усулда олиб борилди.

Бригаданинг Хосиятхон Соатова бошлиқ звеноси 3 қути қуртнинг ҳарбир қутисидан 84 килограммдан пилла топшириб, планни 135 процент бажарди. Шунингдек Хайри Ўринбоева бошлиқ звено 3,5 қути қурт уруғидан 241 килограмм пилла топширишга муваффақ бўлди.

Колхозлари бошқа пиллачилик звеноларини ҳам пиллани пешма-пеш териб, давлатга топширмоқдалар. Топширилган пилла а'ло ва биринчи сортларга қабул қилинмоқда.

М. СОЛИҲОВ.

Ёш пиллачиларнинг яхши ташаббуси

Калинин районидаги кўпгина мактабларда ўқучилар бирнеча йиллардан бери пилла қурти боқиб келмоқдалар. Мактаб ўқучилари ўзларининг ўтган йилларда тўплаган тажрибалари, шу блан бирга қуртларни жадал боқиш асосида бу йил пилла қурти боқишни ўтган йилларгига нисбатан анча яхши уюштирдилар.

Райондаги 15, 17, 23, 26 ва 27-нчи ўрта мактаб ўқучилари пилла қуртларини тез-тез овқатлантириш, қуртхоналарни озода сақлаш ва иссиқлик ҳамда ҳаво намлиги даражасини агрономия қоидаларига мувофиқ тутишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

27-нчи мактаб ўқучилари биология ўқитучиси ўртоқ Исҳоқов раҳбарлигида пилла қуртларини боқишда машҳур пиллачи, Сталин мукофоти лауреати Олияхон Султонова методини жуда тўғри ўзлаштирдилар. 9-нчи синф ўқучиларидан Миралиева, Мўминова, Камолова, Нажмиддинова, Еқубова, Бекматова каби ёш пиллачилар йиллик имтиҳонларга пухта тайёрланиш блан бирга, қурт боқишда ҳам яхши ташаббус кўрсатиб, қуртларни тез ривожлантиришга эришдилар.

Район агрономи ўртоқ Муслимов мактабларга тез-тез келиб, ўқучиларга қурт боқиш ҳақида та'лим бериб турипти. Сталин номли колхоздаги мактаб ўқучилари пиллачилик бригада бошлиғи Каримова блан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаганлар.

Калинин районидаги пилла қурти тутучи мактабларга Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети биология факультетининг илмий ходими ўртоқ Коновалова ҳам раҳбарлик қилмоқда.

27-нчи мактабнинг ёш пиллачилари тутган қуртлар яли пилла ўрашга киришди. Улар ҳарбир қути уруғдан 80—100 килограммдан пилла ҳосили етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ў. ИСЛОМОВ.

ДАЛА ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

Ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўриб, ғалла тайёрлашни намунали ўтказайлик

Ҳозирги кунларда областимизнинг барча районларида кузги буғдой ва арпа пишиб етилди. Илғор колхозлар ғалла ўрим-йиғимини бошлаб юборганларига бир ҳафтача бўлди. Ана шундай колхозларнинг а'золари дала ишларини кун сайин кучайтириб, давлатга ғалла топширишга киришдилар, Ховос, Паркент районларидаги илғор колхозлар ғалла топширишни кун сайин жадаллаштирмоқдалар.

Лекин, ҳали областимиздаги кўп районларда ғалла ўрим-йиғимига тўла-тўкис тайёргарлик кўриб қўйилгани йўқ. 5 июньгача бўлган ма'лумотларга қараганда 232 комбайндан 47 таси ремонт қилинган, холос. Ма'лумки, комбайнларни ўз вақтида тайёрламай туриб, ғалла ўрим-йиғимини тез сур'ат блан ўтказиб бўлмайди. Айрим район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТС-ларнинг директорлари комбайнларнинг ремонтини жуда кечиктирмб юбормоқдалар. Паркент МТСида (директори ўртоқ Космидиади), Оҳангарон районидаги 2-нчи МТСда (директори ўртоқ Даянаев), Оққўрғон районидаги 1-нчи МТСда (директори ўртоқ Рогачев), Бўка районидаги 2-нчи МТСда (директори ўртоқ Журба) ва Ховос районидаги 1-нчи МТС (директори ўртоқ Редкин)да комбайнларни ремонт қилиш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда. Областимизнинг асосий ғаллакор районлари ҳисобланган ана шу районларнинг раҳбарлари ғалла ўрим-йиғимини ўтказишга ниҳоятда мас'улиятсизлик блан қараб келмоқдалар.

Шу нарсани ҳам алоҳида уқтириб ўтиш керакки, область қишлоқ хўжалик бошқармаси (ўртоқ Молчанов) аҳвол шундай бўлишига қарамай, бу иш устидан контроллик қилмаётир ва МТСлардаги комбайнларнинг ремонтини ўрнинсиз сабаблар блан кечиктираётирлар.

Комбайнлар ремонтининг кечикишига моторемонт заводларининг қониқарсиз ишлаётганлиги ҳам сабаб бўлаётир. Бу заводлар комбайн моторларини ўз вақтида ремонт қилиб бермаётирлар ва тайёр моторларнинг юборилишини ўринсиз сабаблар блан кечиктираётирлар.

Шунингдек молотилка, лобогрейка ва дон тозаловчи машиналарнинг ремонти ҳам белгиланган муддат ўтиб кетганига қарамай, ҳамон туталлангани йўқ.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва район партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари комбайнлар ва бошқа ғалла ўриш ҳамда тозалаш машиналарини ремонт қилиш иши юзасидан шошилинч тадбирлар кўришлари, бу ишни тез кунда тугаллашлари керак. Комбайнларнинг унумли ишлаши учун механик-ҳайдовчилар блан та'миланиш ҳам энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун бошқа ишларда банд бўлган комбайнчиларни ўз ишларига қайтариш зарур.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари ва бош инженерлари алоҳида текшириш ўтказиб, ҳосили пишиб етилган далалардаги буғдой ва арпани тез фурсатда, сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилашлари зарур. Ана шу махсус комиссия хирмон жойларни тайёрлаш ва бу жойларда ёнгинга қарши кўрилган тадбирлар қай аҳволда эканлигини ҳам текшириши ҳамда бу соҳадаги ишларнинг тўла бажарилишини та'миналаш керак.

Ғалла далаларини мунтазам равишда текшириб туриш ва ҳосили пишиб етилган далаларда комбайнларнинг тўхтовсиз ишлашини та'миналаш зарур. Ўрим-йиғим пайтида ҳосилнинг бир грамми ҳам нобуд бўлмаслигига эришиш керак. Колхоз ва МТСларнинг партия ташкилотлари ўроқчилар ва комбайнчилар ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини тубдан яхшилашлари ва уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулай шароитларни яратиб беришлари лозим. Ўрим-йиғим пайтида илғорлар тажрибасини оммалаштириш, қўнформачи комбайнчилар ва ўроқчиларнинг иш усулларини агитаторлар орқали барча ғаллаюрларга ўз вақтида етказиб туриш ишнинг муваффақиятли бажарилишини та'миналайди.

Шу кунларда тайёрлов пунктлари ходимларининг айниқса намунали ишлашлари зарур. Улар транспорт воситаларининг тўхтовсиз қатнаши устидан контроллик қилиб туришлари ва давлатга графикда белгиланган ғалланинг етказиб берилишига эришишлари керак.

Ғалла далаларида етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш ва уни давлатга топшириш — район партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг ва барча ғаллакорларнинг жонажон ишидир. Мамлакатимизга қанча кўп дон ва мойли экинлар ҳосилини етказиб берсак, ҳаётимиз шунчалик фаровон бўлади.

Колхозларнинг партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, МТСларнинг директорлари барча техника ва ички имкониятларни тўла сафарбар этиб, ғалла ўрим-йиғимини муваффақиятли ўтказишга эришсинлар. Далаларимизда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида давлат омборига топшириш — бизнинг жонажон ишимиздир.

СССР касаба союзларининг XI с'езди

12 июньда с'езд делегатлари СССР касаба союзлари Уставига ўзгартишлар киритиш масаласини муҳокама қилишни давом этдирдилар.

Эрталабки мажлисда геология-қидириш ишлари ишчилари касаба союзи марказий комитетининг раиси **П. И. Шелахин** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтди-ки, Устав проектининг кириш қисмида мамлакатимиз ҳаётида кейинги йилларда рўй берган ажойиб ўзгаришлар жуда ишонтирарли қилиб гапириб ўтилган. Устав проекти Совет давлати системасида, мамлакатимиз олдида турган улуғ вазифаларни бажариш учун курашда касаба союзларининг тутган ўрнини аниқ белгилаб беради.

Нотиқ ВЦСПС геология-қидириш ишлари ишчилари касаба союзи структурасини тартибга солиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқмай чўзиб келаётганлигини танқид қилиб ўтди.

«Труд» газетасининг бош редактори **Б. С. Бурков** айтдики редакция меҳнаткашлардан йилига 140 мингга яқин хат олади. Газетхонлар кўтариб чиқаётган масалалар делегатларнинг кўплари ўз нутқларида айтиб ўтган ва ўзгартирилган Устав проектида ўз ифодасини топган масалаларга тўғри келади. Э-тироф қилиб айтиш керакки, — дейди у, — «Труд» газетаси с'езда тўғри танқид қилинди.

Нотиқнинг айтишича, ВЦСПС секретариати газетага парвосизлик блан қарамоқда. «Труд» газетасида э'лон қилинаётган материаллар корхоналарда қизғин муҳокамага сабаб бўлса ҳам, аммо ВЦСПС аппарати шу материалларга парвосизлик блан қараши одат бўлиб қолган. Газета меҳнатнинг илғор методлари мактаблари тўғрисида Биков ва Российский ўртоқларнинг мақоласини э'лон қилган эди. Бу мақола кўпчиликни жуда қизиқтирди, лекин мақола босилиб чиққанига бирнеча ой ўтган бўлишига қарамай, ВЦСПС ходимлари шу мақолада қўйилган масалалар тўғрисида ҳанузгача ўз фикрларини айтмадилар йўқ.

Карель-Фин республикаси касаба союзлари советининг раиси **Н. П. Васильева** ўз нутқида айтдики, Устав проекти хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда, социалистик мусобақани, ишқа-нини ташкил қилишда, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда касаба союзларининг ролини тўғри белгилаб беради. Уставга киритиладиган ўзгартишлар касаба союзларига ўз ишларининг савиясини анча оширишга, ишчилар ва хизматчилар блан алоқани мустаҳкамлашга имкон беради. Касаба союз органларининг ҳисоботларини ва сайловларини ўтказиш муддатларини қат'ий қилиб белгиланиб қўйилганлиги касаба союз демократиясини бузишга қарши қаттиқ кураш олиб бориш имкониятини туғдиради.

Сўнгра ўртоқ Васильева қишлоқдаги касаба союз ишлари тўғрисида гапиради. Ҳарбир қишлоқда мактабларда, қишлоқ медицина пунктларида, сельполарда, қишлоқ қироатхоналарида ишловчи касаба союз а'золари бор. Бундай ходимлар унчалик кўп эмас, лекин улар сл'атда 7—8 та касаба союзнинг а'золаридир, шу касаба союзларнинг бошланғич ташкилотлари эса район марказида туради. Шу сабабли қишлоқдаги мана шу касаба союз а'золари блан ҳақиқатда ҳечким иш олиб бормайди, улар бир йилда фақат 1—2 марта касаба союз йиғилишларида бўладилар. Нотиқ кичикроқ қишлоқларда союзлараро касаба союз группалари тузилсин, деб таклиф қилади.

Сўз СССР Маданият министри **Г. Ф. Александровга** берилди. Совет касаба союзлари олдида ҳозирги вақтда нақадар катта вазифалар турганлиги докладлар ва музокаралардан кўриниб турибди, — дейди Г. Ф. Александров. — Бу вазифалар фақат хўжалик масалаларига тааллуқли бўлиб қолмасдан, шу блан бирга, совет жамиятининг маданиятини янада юксалтиришга ҳам тааллуқлидир. Ба'зи делегатлар,—деди нотиқ,—корхоналарда, муассасаларда, МТСларда ва совхозларда маданий-тарбиявий ишларнинг қўйилишини тўғри танқид қилдилар. Бу танқидлар СССР ишчилар синфи вакилларининг совет кишиларини маданий жиҳатдан ўстириш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатади.

Сўнгра ўртоқ Александров айтдики, ҳозирги вақтда Маданият министрлиги ҳадимларнинг ва касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири — МТСлар ва совхозлардаги ишчиларга, инженерлар ва техникларга хизмат кўрсатишдир. Янги қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районларга анчагина кўп миқдорда киноустановкалар ва кино-фильмлар, снёсий ва қишлоқ хўжалик адабиётлари, журналлар ва газеталар юборилди. Ўша районларда ҳамма МТСларни ва аҳоли яшайдиган жойларни қисқа муддат ичида радиолаштириш чоралари кўрилмоқда.

Олтой ўлкаси касаба союзлари советининг раиси **С. В. Мартинов** сўзга чиқади.

Устав проектида ва ўртоқ Поповнинг докладида, — дейди у, — касаба союз органларининг омма блан жуда жонли ва яқин алоқада бўлишлари зарурлиги ҳақли равишда уқтириб ўтилган. Лекин шуни айтиш керакки, ВЦСПС ходимлари бошқа жойларга бормаганидек, бизнинг ўлкамизга ҳам жуда кам келадилар. Кейинги 7 йил ичида бизнинг Олтой ўлкасига ВЦСПС секретарьлари уёқда турсин, ҳатто бўлим мудирларидан ҳам бирор киши келгани йўқ. Бу ўртоқлар Сибирьнинг қишдаги совуқларидан ва Урал тоғ тизмаларининг баланд тоғларидан ёки бошқа бирор нарсадан қўрқадиларми, ҳарҳолда бунинг сабабини билмайман. Аммо омма блан алоқада бўлишнинг катта аҳамияти бор.

Касаба союзларининг ишларини яхшилашда ҳаракатлантируви куч бўлган танқидни ва ўз-ўзини танқидни янада юқори босқичга кўтариш зарур, деган масала Устав проектида жуда тўғри қўйилган. ВЦСПС пленумларида танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмаиди, деб айтиш қийин, танқид бўлади-ю, лекин бу танқиднинг савияси етарли даражада бўлмайди. Шунинг учун ҳам танқидни кучайтиришда бизнинг бу с'ездимиз ВЦСПС пленумларидан анча фарқ қилди.

Сталино область касаба союзлари советининг раиси **Е. Д. Сорока** касаба союзлар Уставига ба'зи ўзгартишларнинг киритилиши ўз вақтида қилинган иш эканлигини айтиб ўтди. У, Донбассни мисолга олиб, касаба союзлари омма орасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб боришда бой тажриба тўплаганликларини кўрсатиб ўтди. Нотиқ касаба союз ишларининг тажрибалари блан ўртоқлашишни ташкил қилиш, меҳнатнинг илғор методларини кенг равишда ёйиш тўғрисида Уставда алоҳида айтиб ўтилганлигининг жуда муҳим эканлигини та'кидлади.

Ўртоқ Сорока Украина касаба союзлари советини танқид қилди ва у, касаба союз ташкилотларининг ишларига кам ёрдам бераётганлигини айтиб ўтди.

Касаба союзлари Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги доклад юзасидан бўлган музокараларда транспорт ва оғир машинасозлик ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг раиси **Т. В. Еремеев** ҳамда Қозондаги Ленин номидаги завод завкомининг раиси **М. Г. Гатауллина — Уразова** ҳам сўзга чиқдилар.

Эрталабки мажлисда Цейлон касаба союзлари федерацияси Бош кенгашининг а'зоси **Амбалаванар Вадьялингам**, Ҳиндистон касаба союзлари Бирлашган конгрессининг вакили **Стрикантан Наир**, Мексика ишчилари ва деҳқонлари Умумсоюзининг секретари **Гарсия Морено** сўзга чиқиб, совет касаба союзларини табрикладилар.

* * *

С'езднинг 12 июньдаги кечки мажлисида касаба союзлари Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисида доклад юзасидан музокаралар тамом бўлди.

Сўнгра ВЦСПС секретари И. В. Поповга охирги сўз берилди. (ТАСС).

Ишлабчиқариш майдонидан унумли фойдаланмоқдалар

Шу кунларда «Чирчиксельмаш» заводининг коллективи кучли компрессорлар ва химия саноати учун зарур бўлган турли аппаратлар ишлаб чиқаришга киришди, кенг исте'мол моллари саноати учун бир группа аппаратдан таркиб топган бўғлайдиган алоҳида установкалар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати учун бут аппарати тайёрлаш ишларини планлаштирди.

Бу катта вазифаларни муваффақият блан бажариш учун завод коллективи мавжуд ишлабчиқариш майдони ва ички резервлардан унумли фойдаланмоқда ва маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумини ошириш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқда.

Машинасозлар бу йил 1953 йилга нисбатан бирнеча миллион сўмлик ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олганлар.

Яқинда илғор новаторларнинг ташаббуси блан қозон цехи иккига бўлинди ва шу ишлабчиқариш майдонининг ўзидаёқ муҳим аҳамиятга эга бўлган бичув-тайёрлов цехи ташкил этилди. Шунингдек, автомат усулида электр пайвандлаш-ишлабчиқаришга жорий қилинди. Бу эса, маҳсулот ишлаб чиқариш циклини анча миқдорда қисқартиришга, ҳомаки маҳсулотларни етказиб бериш сур'атини янада тезлатишга имконият туғдиради.

Ҳозирги кунларда заводнинг кўп цехларида детальларни узунаси ва кўндалангига пайванд қилишда автомат установка кенг қўлланилмоқда.

Ма'лумки, ишлабчиқаришни механизациялаш меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, шунингдек ишчи кучини тежашда катта роль ўйнайди.

Бу соҳада заводнинг илғор рационализаторлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Заводнинг барча асбоб-ускуналарини ремонт қилиш блан шуғулланучи — ремонт-механика цехи заводда муҳим ўринни эгаллайди. Илгарилари бу цех коллективи давлат планини бажаролмас ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараолмас эди. Ба'зилар бунга: цехда станокларнинг етишмаслиги сабаб деб кўрсатдилар. Лекин, цех рационализаторлари бу масалага бутунлай бошқача қарадилар.

Улар мавжуд ускуналардан унумли фойдаланиш ва станокларни турли усуллар блан модерлаш каби муҳим таклифлар киритдилар. Бу таклифлар асосида, деярлик ишлатилмай—ташлаб қўйилган рандалаш станоги қайтадан модерлаштирилди ва капитал ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилди.

Цехнинг актив рационализаторларидан старший мастер ўртоқ Заяц бу станокка шлифовка қалпоқчасини ўрнатди. Технология процессини ўзгартириб. Натижада станок ишлабчиқаришнинг барча талабларига жавоб бераоладиган ҳолга келтирилди.

Шунингдек, илғор ишчиларнинг таклифи блан химия ускуналари учун вольцовка трубалари ишлаб чиқариш процесси ҳам механизациялаштирилди ва бирнеча ишчи кучи тежалди.

Компрессорлар чўмичини шабровка қилиш оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган иш процессларидан бири ҳисобланади. Бу маҳсулотни фақат юқори малакали слесарьларгина ишлаб чиқараоларди, холос. Меҳнат унуми ва иш сифати жуда паст даражада бўларди. Бир компрессор чўмичини шабровка қилиш учун бир ҳафта вакт талаб қилинар эди. Завод рационализаторлари кўп меҳнат талаб қиладиган бу иш процессини ҳам механизациялашга қарор қилиб, унинг айрим қисмларига куйдирадиган стенд қурдилар. Бу эса, компрессор чўмичини шабровка қилиш учун кетадиган вақтни бир ҳафтадан 8 соатга келтириш имкониятини яратди.

Ишлабчиқариш резервларидан унумли фойдаланишда ишчиларнинг ўзлари ташаббус кўрсатмоқдалар. 1-нчи механика цехидаги энг қимматли бўлган автомат-пардозлаш станоги бирнеча йилдан бери ишга яроқсиз бўлиб, бекор турар эди. Бу станокда юқори сифатли ва тоза компрессор ҳалқаларини ишлаш мумкин эканлиги исбот этилди. Бу мураккаб автоматни ишлабчиқаришга жорий қилишда цехнинг илгор токари ўртоқ Спиридонов катта ташаббус кўрсатди. 6 йилдан бери ҳаракатсиз ётган бу станок ҳам ҳозир маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

Техника-контроль бўлимининг инспектори ўртоқ Кирьянигов конусли фракцион пармалаш, рандалаш ва йўниш станоклари учун текстолит бўғлари ўрнатишнинг янги усулини ишлабчиқаришга жорий қилишни таклиф этди.

Булар заводда амалга оширилаётган катта ишларнинг бир қисмигина, холос. Чирчиқ машинасозларининг мавжуд ишлабчиқариш майдонларидан, шунингдек ички резервлардан тўла фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бошлаган социалистик мусобақаси тобора кенгаймоқда ва юксак натижалар бермоқда.

В. СКОРОДУМОВ.

Ўсишда ва ҳосил олишда орқада қолган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, олдинги ғўзаларга етказиб олайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Мажлисбоз раҳбарлар ва ўт босган ғўзалар ҳақида

Ўртачирчиқ районидаги 2-нчи МТСнинг ёш универсальчиси **Ислом Валиев** ўртасаройли механизаторлар чақириғига қўшилиб, биринчи августгача 1200 гектар ердаги ғўзани парвариш қилиш, шу блан бирга 10 процент ёнилгини тежаш мажбуриятини олди. **Валиев** ҳозирги пайтда кунига 18 — 20 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишламоқда. У, мавсум бошидан 700 гектар ердаги ғўзани ишлаб 400 килограмм ёнилгини тежади.

К. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

...Агрономлар, бригада механиклари, учётчиклар МТСга тўпланган. Уларнинг қўлида дала ишларининг бориши тўғрисида бешкунлик сводка. Агрономлар ҳам, учётчиклар ҳам қоғоз парчаларига ёзилган ма'лумотларни сводка тўпловчи ходимга топшириш учун ошиқадилар... Ҳарбир агроном ва учётчикдан олинган ма'лумотлар йиғиндиси бир ерга тўпланди, рақамлар жамланди, сводка тайёр бўлиб, МТС раҳбарларига ва ҳатто район ташкилотларига юборилди.

МТС директори ўртоқ Живодеров папкасидаги қоғозлар қатламига яна бирнеча варақ қоғоз қўшилди.

МТСнинг назбатдаги йиғилишларидан бири очилди. Раҳбарларнинг нутқи тинглади. Ишнинг ёмон бораётганлигидан ранжиган раҳбар ўртоқлар бирин-кетин сўзга чиқиб, ба'зи бировларни ёмон ишлаяпсизлар деб, яна бошқаларни дуруст ишламаяпсизлар деб айбладилар. Ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш йўллари тўғрисида дабдабали топшириқлар бердилар.

— Ишимизда камчилик бор, ғўзамиз ўсишдан қолмоқда, талабга яраша ишламаётиримиз, — деб тажангланиб сўзлади МТС директори ўртоқ Живодеров. Район партия комитетининг 1-нчи МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Сатторов ва район партия комитетининг иккинчи секретари Қулишкин ўртоқлар ҳам шу кунлардаги вазифалар ҳақида жуда кўп такрорланган иборалар блан дабдабали нутқ сўзладилар. Раҳбарларнинг «бундай қилинсин, ундай қилинсин» деган топшириқларидан кейин кенгаш ўз ишини тамомлади.

Хўш, шу кенгашдан кейин ғўза парваришида механизациядан фойдаланиш юзасидан жиддий ўзгаришлар бўлдими? Сўзланган нутқларнинг, берилган топшириқларнинг, кўрилган «тадбирлар»нинг самараси қандай? Бунга жавоб учун МТСга қўшни бўлган Сталин номли колхоздаги аҳволни кўрсатиб ўтайлик:

Колхоз раҳбарлари, биринчи навбатда колхоз правлениеси (раиси Маҳкам Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Дониёр Қаландаров ўртоқлар) колхозимизда ишчи кучи кам, деб шикоят қиладилар. Ғўза парваришидаги қолоқликка ҳам шуни сабаб қилиб кўрсатадилар. Бор имкониятлардан, айниқса механизация воситаларидан самарали фойдаланмайдилар. Ҳосилот совети раиси ўртоқ Қўйили Сафарматовнинг айби блан 3 та «Универсал» ёнилғи етказиб берилмаганидан 2 сутка ишламай қолди. Шу трактор бригадасининг механиги ўртоқ Тимабоев бўлса бу аҳволдан қутулишга осонгина йўл топди. Тракторчилар «бўш қолмасин» деб, улардан бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини, пахта териш машинасини ремонт қилиш ва тартибга солиш ишида фойдаланилипти. Ваҳоланки, бу колхозда 877 гектар ердаги ғўзанинг биринчи парваришги тугалланганги йўқ. Эндигина 350 гектарга яқин ғўзага биринчи ўғит берилган, 520 гектар ердаги ғўзага биринчи сув берилмаган, иккинчи культивация қилинмаган 532 гектар экин майдони бор.

Механизация воситаларидан фойдаланишдаги бундай аянчли аҳволни кўрган 1-нчи МТСнинг шу колхоздаги агрономи ўртоқ Икром Нурмуҳамедовнинг фаолияти «трактор ёнидги йўқлигидан ишламай ётипти» деб акт тузишдан нарига ўтмапти.

Колхозда 9 та чопиқ трактори ишламоқда. Шунинг 5 таси культивация қилиш блан банд. 5 та «Универсал» 5 июнь куни 36 гектар, 6 июнь куни 35,5 гектар, 7 июнь куни эса 34,5 гектар майдондаги ғўзани культивациядан чиқарди. 4 та СУЗ машинаси блан ҳар куни 30—32 гектар ерга ўғит солинаётир. Шунинг натижасида колхозда трактор блан культивация қилиш, ўғитлаш юзасидан белгиланган график июнь ойининг дастлабки ўнкунлигида бирор кун ҳам бажарилгани йўқ.

Трактор иш унумининг пастлиги блан бирга, трактор ишининг сифати ҳам ёмон. Масалан, ўртоқ Йўлдош Тўраев бошлиқ 8-нчи бригадада универсалчи Қодир Баратов бошқараётган 32-нчи «Универсал» ишлаган ғўза қатор ораларида культивациянинг чуқурлиги 5—6 сантиметр, кенглиги 27—28 сантиметрдан ошмайди. Ба'зи эгатларда универсалчининг бепарволиги натижасида ёш ғўзаларни тупроқ кўмиб қолган ёки культиватор ғўза тўпларини кесиб нобуд қилиб кетган. Трактор культиваторининг иш органлари яхши ўрнатилмаганлигидан бирнеча марталаб бўладилар. Далани айланадилар, колхоз раҳбарлари блан сўзлашадилар, «Аҳвол оғир, ишингиз дуруст эмас, трактор ёмон ишлаётир» деб афсусланадилар-у, ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмай бошқа колхозларга қараб кетаверадилар.

Район партия комитетининг биринчи секретаря М. Аҳмедов, район ижроия комитетининг раиси А. Тоҳиров ўртоқлар ҳам бу колхозда бирнеча бор бўлдилар. Колхоз правление раиси Иброҳимов ва бошлангич партия ташкилотининг секретари Қаландаров, ҳосилот советининг раислари, Р. Ҳайдаров, А. Рўзматов, К. Сафарматов ўртоқларни «ёмон ишлаётирсиз» деб жиддий танқид қилдилар. Лекин бу раҳбарларнинг келиб-кетганидан сўнг ишда дуруст ўзгариш бўлгани сезилмади. Колхозда ғўза парваришининг бориши ҳамон эскича. Сувсиз, ўт босиб кетган ғўзалар кўп. Бирор кун чопиқ, культивация, ўғитлаш ва суғориш юзасидан белгиланган график бажарилмайди. Демак, раҳбарлар келиб-кетаверадилар-ку, ишда на ўзгариш ва на силжиш бўлади.

Бўка районидаги 1-нчи МТС зонасига қарашли Сталин номли колхозда рўй бераётган юқоридаги аҳволлар райондаги бошқа камқувват, камҳосил деб аталган колхозларда ҳам кўплаб содир бўлмоқда. 2-нчи МТС зонасидаги Тимирязев номли, Жамбул номли ва «Сталинград» колхозларида бирор марта чопиқ ёки культивация қилинмаган, ўт босиб ётган ғўза майдонлари бор. Яганадан чиқарилмай, қизилпоча бўлиб, ўсишдан қолган ғўзалар кўп. Бу колхозларда ҳам тракторлар унумсиз ишламоқда. Райондаги ҳарбир колхоз ўз агрономига эга. Колхозларда 2—3 ва ҳатто 4 талаб ҳосилот советларининг раислари ишлайди. Лекин ғўза парваришида агротехниканинг кўпол равишда бузилаётганлигини кўрасиз.

Юқоридаги фактлар Бўка район партия ва совет ташкилотларининг пахтачиликка раҳбарликда ҳамон эски методлардан, гастрольчиликдан қутилмаганликларини кўрсатади. Райондаги қайси-бир раҳбар ходим блан сўзлашсангиз, «иш оғир, куч етишмайди» деб ташвишланиб сўзлайди. Ваҳоланки, икала МТС ҳам кучли чопиқ трактор паркига эга. Агар ҳамма «Универсал»ларнинг нормал ишлаши та'минланса, белгиланган графикни ошириб бажариш ва ғўза парваришидаги қолоқликдан қутилиш мумкин.

Бўка районида мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан механизация воситаларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Июнь ойи ғўза парваришида ҳал қилучи ойдир. Район партия, совет ташкилотлари, биринчи навбатда район партия комитети ва район ижроия комитети пахтачиликка раҳбарлик қилишдаги хатоларини йўқотиш учун жуда тез ва конкрет тадбирлар кўришлари керак.

Т. ОРИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари ғўза парваришини кучайтириб, ҳамма майдондаги ғўзани юқори сифатли қилиб парвариш қилмоқдалар. Колхознинг Хадия Хожиматова бошлиқ бригадаси социалистик мусобақада олдинда бормоқда. Бригада а'золари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригаданинг 55 гектар ерадаги ғўзаси ҳозир икки марта чопиқдан, уч марта культивациядан чиқарилди. Шу бригаданинг ўртоқ Эргашой Мирзаева бошлиқ звеноси ерларида ғўза жуда яхши ўсмоқда. Бу звенонинг ғўзалари текис шоналаб, айрим пайкалларда гулга кирди.

Шунингдек, Пайзиҳон Жўраева бошлиқ звено ерларидаги ғўза ҳам гулламоқда.

С. МАХКАМОВ.

Илғор механизаторлар

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСнинг Охунбобоев номли колхозда ишлаётган Сон Харитон бошлиқ 3-нчи трактор бригадасининг механизаторлари ғўза парваришида унумли ишламоқдалар. Бригада универсалчилари 1 июньгача 5 та «Универсал» блан 2275 гектар ердаги ғўзани культивация қилдилар, озиқлантирдилар ва эгатлар очиб бердилар. Демак, ҳарбир агрегат 1 ойда ўрта ҳисобда 428 гектар ва ҳар куни 13—14 гектар ердаги ғўзани ишлади.

Механизаторлардан М. Шоаҳмедов бир ойда 500 гектар, я'ни ўртача бир кунда 17—18 гектардан ердаги ғўзани культивация қилди. Шоаҳмедов ўзи чигит эккан З. Саидова, О. Соатов ва Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ғўзасини парвариш қилаётир. Бу пайкаллар унга яхши ма'лум бўлгани учун, у ҳарбир картанинг хусусиятини ҳисобга олиб, ғўзани парвариш қилмоқда. Шунинг учун Шоаҳмедовнинг ишига ҳамавакт юқори баҳо берилаётир.

Бригаданинг Валиев, Раҳимов каби универсалчилари ҳам ўз агрегатларини усталик блан бошқариб, нормани 1,5—2 баравар ошириб бажармоқдалар.

Бу трактор бригадасининг а'золари мавсумда 1300—1500 гектар ердаги ғўзани парвариш қилиш учун ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олганлар.

Э. РАҲМОНОВ.

Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари Тошкент область колхозларининг далаларида

Озарбайжон пахтакорлари делегацияси а'золарининг Озарбайжон ССР Совхозлар министри С. А. Мирзоев бошчилигидаги бир группаси Тошкент областида беш кундан буён текшириш ўтказмоқда. Меҳмонлар областнинг саккиз районида бўлдилар. Ховос районидаги 1-нчи «Боёвут» совхозига бордилар.

Озарбайжонли пахтакорлар Октябрь районидаги Каганович номли, Чиноз районидаги «Қизил октябрь», Ховос районидаги Карл Маркс номли, Гулистон районидаги Молотов номли, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» ва Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик артельлари колхозчиларининг яхши ишлаётганликларини қайд қилдилар. Бу колхозларда қарийб ҳамма майдонда ғўзаларнинг қалинлик даражаси нормал бўлишига эришилган, яганалаш юқори сифат блан ўтказилган, ғўзаларни озиқлантириш ва суғориш ўз вақтида ўтказилган.

Озарбайжонли меҳмонлар ғўзани кетман чопиқ қилиш ва суғориш техникасига айниқса кўп э'тибор бердилар. Октябрь районидаги Каганович номли колхоз сувчиларининг иши меҳмонларда айниқса яхши таассурот қолдирди. Колхозда ҳатто энг қиялик ерлардаги ғўзалар ҳам етарли миқдорда суғорилди. Ғўзалар чуқур эгат орқали най усулида суғорилади.

Озарбайжонли пахтакорлар Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозда ғўзани суғориш блан батафсил танишдилар. Сталин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назарали Ниёзов меҳмонлар блан янги суғориш методларини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришда жорий қилиш тажрибасини ўртоқлашди. У қиялик ерлардаги ғўзаларни суғориш учун вақтинча ариқлардан фойдаланиш кенг қўлланилаётганлиги тўғрисида гапириб берди. Колхозчилар ана шу участкаларда пахтадан юқори ҳосил олмоқдалар.

Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Холматовнинг сўзини зўр қизиқиш блан эшитдилар. Бу бригадада суғоришнинг жуда сифатли ўтказилиши ҳамда ўз вақтида ягана қилинганлиги туфайли ғўзаларнинг бўйи ҳозирдаёқ 50 сантиметрга етган, ҳарбир туп ғўзада 10 тагача шона бор.

Озарбайжонли пахтакорлар Тошкент областидаги илғор колхозларнинг иш тажрибалари тўғрисида Озарбайжон республикасининг колхозчиларига батафсил гапириб беражаклари тўғрисида ўз мусобақадош ўртоқларини ишонтирдилар

Озарбайжонли пахтакорлар Тошкент областининг бирқанча колхозларида ғўзани суғоришда жиддий камчиликлар борлигини аниқладилар. Суғориш блан қатор ораларини ишлашда узилишга йўл қўйилаётганлиги, ерларга тартиб блан сув бериш қоидасининг бузилаётганлиги аниқланди. Масалан Янгийўл районидаги Молотов номли колхознинг М. Суннатуллаев ва Д. Абдуллаев бошлиқ далачилик бригадаларида биринчи суғориш сифатсиз ўтказилган. Бу бригадаларда қатор ораларини ишлаш ҳалигача тамомланмаган.

Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ўз ишларини давом этдирмоқда. (ЎзТАГ).

Меҳмонлар колхозда

Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадасидаги бир группа ўртоқлар Тўхтабиби Абдуллаева бошлиқ 2-нчи бригаданинг пахта майдонларида тўсатдан пайдо бўлиб қолдилар. Одатда, бунга ўхшаш текшириш бригадаларини колхоз раиси Давлат ака далама-дала, уватма-уват бошлаб юриб, уларни иш блан таништирар эди.

— Раис қаерда экан?—ўз-ўзига савол берди Тўхтабиби ва сувчи А. Каримов блан суҳбатлашиб турган нотаниш кишилар томон юрди.

Тўхтабиби катта-катта карталар бўйлаб меҳмонлар томон келар экан, кўзини уватлардан, эгатлардан узмас, қаерда ўт қолган, қайси эгат қандай сув ичган, ола жой, паст ғўза борминан, деб ичдан хавфсирарар эди.

Райком секретари ўртоқ Тошпўлатова бундан 15 кунча илгари шу колхозда бўлганда, 2-нчи бригаданинг ерларидаги ғўзаларни кўриб, бригадир ҳамда Давлат акадан анча қойиган эди.

— Меҳмонлар олдида юзларинг қизармайдиган иш қилибсизлар, — деди Тўхтабибини уларга таништираркан райком секретари.

— Бизга механизаторлар жуда катта ёрдам бердилар. Биринчи культивация вақтида ўртасаройлилар мусобақаси бошланиб кетди. Мусобақага қўшилган универсалчилар ғўза парваришини қисқа, агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларда ўтказиш, ишни а'ло сифатли бажаришга астойдил киришдилар. Биз ғўза парваришини комплекс равишда олиб бордик, чигит ёппасига униб чиқаши блан ғўза ягана ва чопиқ қилинди. Ғўзани озиқлантиришдан кейин эгатларга сувни жилдиратиб қўйиб, ўғитни ғўза илдизларига сингдиришга э'тибор бердик.

Шу пайтда сувчи Каримов 100 метрча узунликдаги бир эгатга сув тараб турган эди. Бу катта ерда ғўзалар бир текисда ўсиб, яхши бўй берган, бирорта ҳам ёввойи ўт нўринмайди. Шу картани универсалчи Ҳамид Икромов моҳирлик блан культивация қилган, ўзи ўғитлаган ҳам.

— Жилдиратиб суғоришнинг афзаллиги нимада?, — деб сўради меҳмонлардан А. Жабрайлов (Геокчай районидаги Калинин номли колхоз раиси).

— Жилдиратиб суғорилганда минерал ўғитлар яхши эрийди, ғўзанинг илдизларига сингади, сувда эриган ўғит моддалари сув блан бирга эгат охиридан фойдасиз чиқиб кетмайди, ғўзалар ҳам қониқиб ичади.

Меҳмонлар бригаданинг бошқа карталарини ҳам бирин-кетин кўздан кечирдилар. Ҳамма карталар ҳам бир-биридан қолишмайди. Охиригача тугатиб кетган пахта майдонларида универсалчилар культивация қилмоқдалар, тракторчилар маданий ўғит солмоқдалар, сувчилар кетманларини қўёш нурида ялтиратиб ғўза суғормоқдалар. Нариги пайкалда чопиқ қилинмоқда. Бу колхозда иккинчи культивациянинг тамом бўлганига бир ҳафта бўлди. Учинчи культивация ҳам кеча тугалланди. Ҳамма ғўза иккинчи марта озиқлантирилди. Колхозчилар, механизаторлар шу кунларда айниқса гайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Колхозда донг чиқарган кетманчи Мақсума Эргашева чопиқ нормасини ҳар куни икки баравар ошириб бажармоқда. У ўтган йили колхозда 1365 та меҳнат куни ишлагани учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Виставкасига кандидат қилиб кўрсатилди. Колхоз бўйича Виставкага кандидат қилиб танланган 15 киши орасида меҳмонларни ўз намунали иши блан қойил қилган ҳалиги сувчи Каримов ҳам бор.

Ҳарбир «Универсал» блан 1000 гектар ердаги ғўзани а'ло сифатли ишлаш юзасидан бошланган ўртасаройли универсалчилар мусобақасига қўшилган Тожибой Йўлдошев, Аҳмаджон Қурбонов, Ҳусан Рўзиматов каби ўртоқлар ҳар смена нормаларини ошириб бажармоқдалар. Универсалчилардан Ҳамид Икромов ҳаммадан олдинда бориб, 10 июньгача 570 гектар ердаги ғўзани а'ло сифатли культивация қилди, озиқлантирди. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидати ўртоқ Икромов 109-нчи трактор блан (бу тракторда у икки йилдан бери ишлайди) ғўзани қандай культивация қилиш ва озиқлантиришни озарбайжонли меҳмонларга кўрсатиб берди.

— Культивациядан ташқари ғўзани озиқлантириш қоидаларини ҳам биласизми?

Меҳмонлардан агроном Р. Левинанинг бу саволига универсалчи Икромов «Ҳа, агроном ҳам, химизатор ҳам бўлиб қолдик» деб ҳазилона жавоб қайтарди.

— Социалистик мажбуриятингизни бажараоласизми?

— 520 гектарини бажариб қўйдик. 10 июльда рапорт берай деб турибман. Минг гектар деган аҳдимиз бор, бажармасак уят бўлади.

Даладаги бу жўшқин ҳаёт, меҳнат кўтаринкилиги қардош пахтакорларимизни беҳад хурсанд қилди. Ғўза парваришидаги ҳалиги тажрибалар меҳмонларга ма'қул тушди, улар бу тажрибаларни ўз республикаларидаги колхозларда амалга оширадиган бўлдилар.

Меҳмонлар Пушкин номли шу колхозда 2—3 соат чамаси бўлдилар ва колхоз хўжалиги блан батафсил танишдилар. Буларга яна шу нарсалар айниқса ма'қул бўлди:

— Меҳнат тўғри уюштирилган, ҳисобкитоб ишлари яхши йўлга қўйилган, аванс берилиб турипти.

— Ҳамма бригада ва звенолар ўртасида социалистик мусобақа шартлари тузилган. Колхоз ўтган йили ҳар гектардан 37,2 центнер ҳосил олди, бу йил 41 центнер учун кураш давом этмоқда.

— Дала шийпонлари яхшилаб безатилган, радиолаштирилган, телефон ўрнатилган. Агитаторлар намунали ишлайдилар. Радиоузел ва электростанция қурилган. Марказий клуб ва қизил чойхона қурилиб ишга бошлади. Колхоз қишлогида 300 та янги уй, умумий бинолар бор.

— Еттийиллик, ўнйиллик мактаблар бор, ҳамма бола ва ёшлар ўқийди. Медпункт, яслилар ишлайди.

— Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Шермирзаев) ҳисобида 25 коммунист туради. Булар колхоз ишлабчиқаришининг ҳал қилучи участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Барча партиявий-сиёсий, оммавий-агитация ишлари партия ташкилотининг бошчилигида ўтказилади.

Озарбайжонли меҳмонлар колхоз тузумининг муваффақиятларидан мамнун бўлиб, Пушкин номли колхознинг бу йил ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштиришига ва социалистик мажбуриятни ошириб бажаришига зўр умид боғлаб, қўшни Молотов номли, Сталин номли колхозларга ўтиб кетдилар. Орадан кўп вақт ўтмасдан колхоз раиси Давлат Омоновнинг «Победа» машинаси правление биноси олдига келиб тўхтади. Раис машинадан чиқиб-оқ:

— Иккита «ЗИМ» машинасида нотаниш кишилар рўпарамдан ўтиб кетишди, билмадингизми? — деб, полевод Ўктам акадан сўради.

— Сал кечикдингизда, меҳмонлар сизни ҳам кўп сўрашди.. «Пискент районида 100 гектар ерга чигит эккан эдик, 3—4

Чехословакия Коммунистик партиясининг ўнинчи с'ездида 1954 йил 12 июньда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг топшириғи билан сизларни ва сизлар орқали Чехословакиянинг шонли Коммунистик партиясини қизғин табриклаш, Совет Иттифоқи халқларининг Чехословакия халқларига бўлган самимий қардошлик муҳаббатлари ва дўстликларини сизларга айтиш учун менга ижозат берингиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар овацияга айланади).**

Чех ва словак халқларининг гўзал пойтахти — Прага шаҳри меҳнаткашларига оташин салом топширишга рухсат берингиз **(қарсаклар)**. Прага шаҳри Европанинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, ўзининг юксак маданияти билан азалдан бери машҳур бўлиб келмоқда ва эрксевар халқнинг жанговар қўшиқларида куйланмоқдадир.

Биз, коммунистлар учун Праганинг алоҳида аҳамияти бор. Буерда, Прагада, бундан қирқ икки йил муқаддам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси улуғ Ленин раҳбарлиги остида рус большевикларнинг конференцияси оппортунистларни ўз сафларидан қувиб чиқариб, большевикларнинг мустақил революцион ишчи партияси—янги типдаги, ленинча типдаги партия бўлиб, узил-кесил шакллануврга негиз солган эди. **(Қарсаклар).** Бу нарса Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихидагина муҳим воқеа бўлиб қолмади. Большевикларнинг Прага конференциясида чиқарилган қарорлар оппортунизмга қарши муросасиз кураш олиб бориш намунасини кўрсатди, кўпгина мамлакатларда марксистик ишчи партияларни—меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини чинакам ва изчил ҳимоя қилучи партияларни тузишга ва мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Ўртоқлар! Чехословакия Коммунистик партияси ўзининг ўнинчи с'ездини янада кўпроқ ва зич бўлиб жипслашган ҳолда ва монолит бўлиб кутиб олди. Чехословакия Коммунистик партиясини ўз мамлакатининг давлат мустақиллиги учун, чех ва словак халқларининг озодлиги учун, социализм ишининг галабаси учун ўттиз йилдан кўпроқ давом қилган кураша бой тажриба ортдирди. Чехословакия халқларининг содиқ фарзанди, халқаро революцион ҳаракатнинг отоқли арбоби Клемент Готвальд мана шу олижаноб ишга бутун умрини бағишлади ва ўзининг бутун кучини сарфлади. **(Қарсаклар).**

Чехословакия Коммунистик партияси ишчилар синфининг ҳаётий манфаатларини, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳамиша изчиллик блан ҳимоя қилиб келди ва ҳимоя қилмоқда, ўзининг фидокорона кураш олиб бориши блан ўз халқининг тўла ишончига сазовор бўлди ва ундан ҳардоим мадад олиб турмоқда.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасидаги даврда сизларнинг партиянгиз Чехословакия ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларининг буржуазияга қарши олиб борган революцион курашига бошчилик қилди. Гитлерчилар оккупациясининг оғир йилларида Коммунистик партия меҳнаткашлар оммасининг ўз мамлакатини фашистлар асоратидан озод қилиш учун олиб борган курашида уларнинг чинакам ташкилотчиси ва йўлбошчиси бўлди.

Чехословакия коммунистлари ўз халқининг озодлиги учун фидокорона курашдилар ва бу курашда сра сўнмайдиган шуҳрат қозондилар. Жаҳондаги эрксевар кишиларнинг ҳаммаси Юлиус Фучик ва Ян Шверманинг шонли номларини биладилар ва уларни ғоят ҳурматлайдилар. Коммунистлар ўз ватанини манфур немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш учун курашган шижоатли жангчиларнинг ҳамиша биринчи сафларида бўлдилар. **(Қарсаклар).**

Коммунистик партия раҳбарлиги остида Чехословакия меҳнаткашлари буржуа режимини тугатишга муваффақ бўлдилар, мамлакатни реакцион синфларнинг ҳукмронлигидан озод қилдилар, четэл капиталистларнинг босқинидан халос бўлдилар ва халқ-демократик давлат ва ижтимоий тузумни ўрнатиб, ишчилар синфи бош бўлгани ҳолда халқнинг чинакам ҳокимиятини барпо қилдилар.

Чехословакия халқи ўзининг тарихий ғалабалари блан фахрланишга ҳақлидир. Эндиликда Чехословакия Халқ Республикаси социалистик қурилишнинг кенг нурли йўлига чиқиб олди ва ишонч блан олға бормоқда. Социалистик сектор саноатда, ички ва ташқи савдода энди мустаҳкам позицияни эгаллаб олди. Чехословакия меҳнаткашлари, деҳқонларнинг қаршилигини ва қийинчиликларни енгиб, мамлакат халқ хўжалигини тиклашнинг иккийиллик планини ҳамда республика экономикасини ва маданиятини ривожлантиришнинг бешйиллик планини муваффақият блан бажардилар.

Бешйиллик даврида, 1949—1953 йиллар ичида умуман мамлакатда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми икки баравардан знёдроқ кўпайди, меҳнат унуми эса, 60 процент кўпайди. Словакияда шу йиллар ичида саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми қариб икки ярим баравар кўпайди, урушгача бўлган даража блан таққосланганда эса, тўрт ярим баравар кўпайди.

Чехословакия Коммунистик партияси ўз олдига жуда муҳим вазифани—халқнинг фаровонлигини тинмай оширишга сўзсиз эришиш ва шу мақсад блан қишлоқ хўжалигини юксалтиришга кўпроқ э'тибор бериш вазифасини қўйди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакат аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммаси блан та'минлашни, айниқса ғалла, гўшт, ёғ, сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар блан та'минлашни анча яхшиламоқ учун қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ишида сизларга муваффақиятлар тилайди. Бунинг учун Чехословакия Республикасида ҳамма имкониятлар бор.

Қишлоқ хўжалигини янада зўр куч блан юксалтирмоқ учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун, аввало, механизациялаш даражасини ошириш ва республика қишлоқ хўжалигига етарли миқдорда тракторлар, плуглар, сеялкалар, йиғим-терим машиналари ва айниқса ғалла комбайнлари ҳамда лавлагини йиғиштириб берадиган комбайнлар бериш керак, токи қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни янада кўпроқ машиналаштириш мумкин бўлсин. Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ҳартомонлама механизациялаш йўли блангина деҳқонларнинг меҳнатини енгиллаштириб, уларнинг меҳнатини баракали қилиш, деҳқонларнинг маданий савиясини янада кўпроқ кўтармоқ учун уларга шароит яратиб бериш мумкин. Механизацияни йирик кооператив хўжаликларидагина юксак даражада та'минлаш мумкин. Ҳозирги вақтда чехословак деҳқонларининг илғор қисми мана шундай йирик кооператив хўжаликлар бўлиб бирлашдилар. Деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш масаласи қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш учун кураш масаласигина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга, бу масала деҳқонлар меҳнатини енгиллаштириш учун, деҳқонларни, айниқса хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга, давлатни идора қилишга янада кенг ва актив қатнаштириш учун ҳам курашиш масаласидир. Ҳеч шубҳасиз, қишлоқ хўжалик кооперативлари бундан буён ҳам ўсиб янада мустаҳкамланадилар, ғоят мўл ҳосил олиб, ҳамма деҳқонларга ўрнак бўладилар. Чехословакиянинг меҳнаткаш деҳқонлари мавжуд қишлоқ хўжалик кооперативларининг иш тажрибаларини кўриб, уларнинг афзалликларига яққол ишонадилар ва қишлоқ хўжалигини кооператив асосида ривожлантириш йўлига ўтаберадилар.

Равшандирки, ихтиёрийлик принципига тўла риоя қилиш асосида ўтказилаётган деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш якка деҳқон хўжаликларига кўпроқ э'тибор бериш ва ёрдам кўрсатиш зарурлигини ҳам тақозо қилади.

Индустриал маданиятнинг юксак даражада бўлиши блан ҳамиша олдинги сафда турган Чехословакиянинг саноатни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари қишлоқ хўжалигини янада тезроқ юксалтириш учун, ишчилар синфи томонидан қишлоқ хўжалик кооперативларига ва барча меҳнаткаш деҳқонларга берилаётган ёрдамни кучайтириш учун зарур негизларни вужудга келтиради. Чехословакия деҳқонлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда яхши натижаларга эришаоладилар. Энди улар социалистик қурилиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар ва, ҳеч шубҳасиз, янада кўпроқ миқ'есда қўшадилар.

Меҳнаткаш деҳқонлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўз олдиларида турган вазифаларни фақат ишчилар синфининг қардошларча ёрдами блангина бажаришлари мумкин. Ишчилар ҳам, деҳқонлар ҳам, интеллигенция ҳам янги, социалистик жамият қурилишига баб-баравар манфаатдордирлар. Янги, социалистик жамият мамлакат ишлабчиқариш кучларини янада ривожлантиришни, халқнинг фаровонлигини ва маданий савиясини тинмай юксалтиришни та'минлайди.

Социалистик тузумни барпо қилмоқ учун қудратли ижтимоий куч керак. Бундай куч бор. Марксизм-ленинизм та'лим бериб айтганидек, ишчилар блан деҳқонларнинг иттифоқи мана шу кучнинг ўзидир. Аҳолининг катта кўпчилигини ташкил қилган ва турмушнинг барча асосий бойликларини яратаётган ишчилар блан деҳқонлар жамиятни социалистик асосда қайтақуриш ишини ўз қўлларига олсалар, бу ҳолда улар капиталистлардан ҳам, помешчиклардан ҳам, ҳеҳқандай реакционерлардан ҳам қўрқмайдиган бўлиб қоладилар. **(Қарсаклар).** Совет Иттифоқининг тажрибаси, халқ демократияси мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ишнинг муваффақиятли бўлиши фақат шаҳар блан қишлоқ ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг тўғри бўлишига, ишчилар синфининг раҳбарлиги та'минланган ҳолда ишчилар блан деҳқонларнинг иттифоқига боғлиқдир.

Тарих шу нарсани исбот қилдики, ишчилар блан деҳқонларнинг қардошлик иттифоқини вужудга келтириш, шаҳар блан қишлоқнинг иқтисодий алоқасини та'минлаш соҳасида Ленин кўрсатиб берган йўл тамомила тўғри бўлиб чиқди ва бу йўл социализмнинг ғалаба қилиши учун бирдан-бир мумкин бўладиган ва ҳақ йўлдир. Ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқи — халқ-демократик тузумнинг мустаҳкам негизидир. Биз сизларга шу иттифоқни янада мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришишни қизғин суратда тилаймиз. **(Қарсаклар).**

Чехословак халқининг энг катта ғалабаси унинг ўзи яратган эркин ва мустақил халқ-демократик давлатидир. Бу тарихий ғалаба чех ва словак халқларининг кўп асрлардан бери давом қилиб келган миллий-озодлик курашини охиригa етказди. Чех ва словак халқлари орасидан етишиб чиққан илғор ўғил ва қизларнинг, ақл эгаси бўлган энг яхши кишиларнинг фаолияти мана шу кураш блан чамбарчас боғланган. Чехословакия миллий маданиятининг тараққиёти шу кураш блан боғланган. Миллий ва социал озодлик идеяси халқ ижодиётига ҳамиша озиқ бўлиб келди, чех ва словаклар орасидан етишиб чиққан кўпгина отоқли ёзувчиларнинг, рассомларнинг, композиторларнинг асарлари шу идея блан суғорилди. Чехословак халқи жаҳон маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги блан фахрланишга ҳақлидир.

Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамма мамлакатларда миллий-озодлик, революцион ҳаракатнинг зўр куч блан юксалишига сабабчи бўлди. Чехословакия халқлари Россиядаги социалистик революциянинг самарали та'сири остида ўз озодликлари ва мустақилликлари учун курашни кучайтириб юбордилар. 1918 йилда Чехословакия Республикаси барпо қилинган эди. Бироқ, мамлакатдаги ҳокимиятни эксплуататор синфлар босиб олдилар. Чехословакиянинг экономикаси, унинг ички ва ташқи сиёсати четэл империалистларининг манфаатларига бўйсундирилди. Ҳокимият буржуазия қўлида бўлган шароитда Чехословакия ўз мустақиллигига эга бўлмади ва эга бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Бунга Чехословакия буржуа республикасининг икки жаҳон уруши ўртасидаги даврдаги тарихи яққол далилдир. Ғарбдаги капиталистик давлатларнинг арбоблари оғизда Чехословакия Республикаси блан дўст бўлиш тўғрисида кўп гапирдилару, аммо, ҳақиқатда уни эксплуатация об'екти деб ва ўзларининг босқинчилик мақсадларини амалга ошириш учун муҳим стратегия пункти деб ҳисоблаб келдилар.

Ғарбдаги буржуа давлатларининг Чехословакияга ҳақиқий муносабатлари 1938 йилда, Мюнхенда хоинлик қилинган шармандали кунларда тўла равишда аён бўлди. Капиталистик давлатларнинг бошлиқлари ўзларининг империалистик манфаатларига амал қилиб, Чехословакияни фашист йиртқичлар қўлига тилка-пора қилиш учун топширдилар. Биргина Совет Иттифоқининг ўзи Чехословакия блан тузилган шартномага содиқ бўлиб колди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. Делегатлар: «Яшасин Совет Иттифоқи!» деб хитоб қиладилар. «Ура!» садолари янграйди).** Бизнинг қўшинларимиз Чехословакияга ёрдамга боришга ва ўз бурчларини бажаришга шайланиб турган эдилар. Лекин Чехословакиянинг ўша вақтдаги буржуа ҳукумати Совет ҳукуматининг ёрдам бериш тўғрисидаги таклифини рад қилди. Бундан ташқари, Польшанинг реакцион ҳукумати совет қўшинларини Польша территорияси орқали ўтказишга йўл бермади.

Чехословакия халқлари, эксплуататорлар ҳокимият тепасида турган буржуа республикаси шароитида тўла миллий мустақилликка ва мустаҳкам давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигига аниқ ишондилар.

Халқ-демократик тузум ғалаба қозониб, халқнинг ўзи мамлакатда тўла хўжайин бўлиб қолганидан кейингина чинакам мустақил давлат, чинакам Чехословакия халқ Республикаси барпо қилинди.

Ҳокимият халқнинг қўлида бўлган шароитда озод халқларнинг тенгҳуқуқлилиги ва дўстлиги принципи — ана шу улуғ принцип амалда рўёбга чиқарилади. Чехия ва Словакияни ўз составига зўрлаб қўшиб олган ола-қуроқ миллий зиддиятлар кемириб ташлаган ва, провардида, барбод бўлган Австрия-Венгрия империясидан фарқли ўлароқ халқ Чехословакиясида чех, словак ва бошқа халқлар ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди, бу халқлар чинакам ягона демократик давлатда бирлашдилар. Чехия ва Словакия халқлари ўзларининг жонажон давлатини мустаҳкамлаб ва ривожлантириб озод ва тенгҳуқуқли халқларнинг демократик тузум шароитидаги дўстлиги ва қардошлиги нақадар улуғ ҳаётий куч эканлигини кундан-кунга чуқурроқ англамоқдалар. **(Қарсаклар).**

Совет кишилари чехословак халқининг шонли ғалабалари блан қувонадилар ва бу ғалабаларни бутун демократик лагерьнинг тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун олиб бораётган курашидаги умумий ишга қўшилаётган жуда муҳим ҳисса деб биладилар. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари Чехословакиянинг ўз озодлиги учун олиб борган кураши тарихидаги қаҳрамонлик саҳифаларига қойил қолмоқдалар, чех ва словак халқларининг прогрессив миллий традицияларига чуқур ҳурмат блан қарамоқдалар.

Мамлакатларимизнинг халқлари ўртасидаги узаро муносабатлар қадимий замонлардан тортиб то ҳозирги вақтгача ҳамиша самимий ва қизғин дўстлик асосига қурилганлигини жуда катта мамнуният блан қайд қилиб ўтишимиз мумкин. Совет ва чехословак халқлари ўртасидаги дўстлик иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса мустаҳкамланди. Соколово. Белая Церковь, Жашков районларида ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарлари ҳамда қишлоқларида бўлган жанглар бизнинг эсимиздан чиққани йўқ. Шу жангларда совет ва чехословак жангчилари ёнма-ён туриб, умумий душманга қарши курашдилар. **(Қарсаклар).**

Қаҳрамон чехословак жангчиларининг шонли Совет Армиямиз блан бирликда Совет Украинасининг пойтахти қадимий Киев шаҳрини озод қилишда иштирок этганликлари совет кишиларининг эсидан чиққани йўқ. Олдин Воронеж фронтининг, кейин эса 1-нчи Украина фронтининг составида бўлган Чехословак бригадаси, сўнгра эса, Чехословак корпуси составида чехословак халқининг фарзандлари фашистларга қарши фидокорона курашганликларини эслаб, айниқса хурсанд бўламан, чунки мен, партиямизнинг топшириғи блан, фронт Ҳарбий Кенгашининг а'зоси бўлиб ишлаган эдим. Мен чехословак қисмларини жанг вазиятида неча марталаб кўрганман ва уларнинг шавкат блан жанг қилганларини яхши биламан. **(Қарсаклар).** Совет партизанлари блан биргаликда ҳаракат қилган Чехословакия партизанлари оккупациячиларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Умумий душманимизга қарши курашда чехословак жангчилари асло сўнмайдиган шуҳрат қозондилар.

Словакиянинг тоғлари, Праганинг кўчалари ва майдонлари Грон, Баг, Влтава ва Лаба водилари, Чехословакиянинг дала ва ўрмонлари чех, словак ва совет жангчиларининг халқларимизнинг шоншуҳрати, озодлиги ва мустақиллиги учун биргаликда курашиб тўккан қонлари блан суғорилган. **(Қарсаклар).**

Урушдан кейинги даврда, гитлеризм кишанларидан қутилган Чехословакия Республиканинг меҳнаткашлари бошқа халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари блан қўлни-қўлга бериб, совет халқининг қардошларча ёрдами туфайли социализм негизларини қуришга киришганларидан кейин, совет халқи блан чехословак халқи ўртасидаги дўстлик яна ҳам зўр куч блан ривожлана ва мустаҳкамланабошлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кундан-кунга тобора кўпроқ кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Чехословакия Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлардаги энг азиз ва қиматли нарса халқларимизнинг дўстлигидир. Ҳозирги ўзининг ўзларида тобланган совет-чехословак дўстлиги асло бузилмайди. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам Чехословакия меҳнаткашларининг ишончли дўсти бўлиб қолади ва халқ-демократик тузумни мустаҳкамлаш учун, чехословак халқининг давлатини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун курашда Чехословакия меҳнаткашларига ҳар жиҳатдан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб туришига улар қат'ий ишонишлари мумкин. **(Гулдурос қарсаклар овацияга айланади, ҳамма ўрнидан туради. «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган хитоблар янграйди).**

Чехословакиянинг демократик лагерь мамлакатлари блан яқиндан иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳамкорлик қилаётганлиги унинг ўз миллий экономикасини ва маданиятини янада тинмай ривожлантириши учун зарур шароитни та'минлаб беради ва шу блан бирликда Чехословакия тарихида биринчи марта ўлароқ Чехословакиянинг давлат суверенитетини ва миллий мустақиллигини қўллаб-қувватлаб, бунинг учун чинакам гарантия вужудга келтиради. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг бир-бирларига ғоят ҳурмат блан қарашларига, чинакам тенгҳуқуқлилик ва қардошларча ёрдамлашиш асосига қурилмоқда. Халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари шу нарсани яхши биладиларки, социалистик лагерь мамлакатлари ўртасидаги қардошларча дўстлик яшар ва яшнар экан, шу мамлакатларнинг халқлари эришган улуғ ғалабаларни ҳеҳқандай душман уларнинг қўлидан тортиб олаолмайди. **(Қарсаклар).** Бизнинг муқаддас бурчимиз — Чехословакия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан, халқ демократияси мамлакатларининг ҳаммаси ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат. Бизнинг кучимиз ва енгилмаслигимиз мана шундадир. **(Давомли қарсаклар).** Душманларнинг ҳеҳқандай кирдикорларига қарамай, бу дўстлик халқларимизнинг бахт-саодати йўлида янада кўпроқ мустаҳкамланишига ва кенгайишига шак-шубҳа йўқ. **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, халқ демократияси мамлакатларининг тинч шароитда ижодий меҳнат қилаётган халқлари бутун дунёда тинчликнинг сақланиши ва мустаҳкамланиши учун жон-таланг блан манфаатдордирлар. Мамлакатларимизнинг ҳукуматлари ўзаро манфаатдорлик асосида амалий алоқаларни кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик блан оғишмай ўтказмоқдалар. Бунда биз икки системанинг — социализм блан капитализм системасининг узоқ муддат тинч тотув бўлиб яшаши мумкин, деган фикрга асосланиб иш кўрмоқдамиз. Демократик лагерь мамлакатлари тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориш блан бирга халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга, амалий алоқаларни ва савдо-сотиқни кенгайтиришдан манфаатдор бўлган ҳамма мамлакатлар блан ана шундай амалий алоқаларни ва савдо-сотиқни кенгайтиришга, тинчликни янада мустаҳкамлашга эришмоқ учун ўзларининг бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

Халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга интилаётганлигимиз бутун дун'ёга ма'лум. Совет Иттифоқи янги урушнинг олдини олишга, тинчликни сақлашга астойдил интилаётганлигини жуда кўп марталаб исботлаб берди. СССРда ҳарбий пропагандани ва урушга да'ват қилишни тақиқлайдиган ва бунинг учун оғир жазо берилиши кўзда тутилган қонун қабул қилинди ва амалга оширилмоқда; Совет Иттифоқи Кореядаги урушни тўхтатишга ташаббусчи бўлди; биз атом қуролини қўлланмаслик ва шу блан бирга одамларни кўплаб қирадиган мана шу қуролнинг қўлланилишини тўла равишда тақиқлаш тўғрисида битимга келиш ҳақида тантанали ва'да беришни таклиф қилдик; биз одатдаги қурол-яроғларни анча камайтиришни ҳам таклиф қилдик. Берлин кенгашида Совет Иттифоқи халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва Европа проблемаларини ҳал қилишга эришиш учун ҳамма чораларни кўрди. Ҳозирги вақтда Жанва кенгашида Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикасининг вакиллари Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш, Корея масаласини адолатли ҳал қилиш ва бу блан тинчлик позициясини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган чораларнинг ҳаммасини кўрмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Шу блан бир вақтда, Америка Қўшма Штатларида кўпгина расмий давлат арбоблари ҳарбий васвасани авж олдираётганликларини, янги уруш бошлашга очиқдан-очиқ да'ват қилаётганликларини ҳамма кўриб турибди. Сенатдаги республикачилар кўпчилигининг раҳбари сенатор Ноулэнд урушни мана шундай та'риф қилаётган, халқаро проблемаларни тинч йўл блан ҳал қилишга қарши бўлиб чиқаётган шахсларнинг биридир. Ў, Совет Иттифоқига қарши катта зарба беришга чақирмоқда. Бу хилдаги да'ватлар халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал қилишга ёрдам бермаслигин равшан эмасми, ахир?

Империализм ва реакция лагерини ички зиддиятлар кемириб бормоқда. Капиталистик мамлакатларда ишсизлик ўсмоқда, меҳнаткашлар оммасининг моддий аҳволи ёмонлашмоқда, ички иқтисодий қийинчиликлар кўпайиб бормоқда. Империалистлар мана шу зиддиятларнинг ҳаммасини эўр бериб қуролланиш, ишчилар синфини ва меҳнаткаш деҳқонларни эксплуатация қилишни кучайтириш йўли блан бартараф қилишга уринмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларида ҳарбий талвасанинг авж олдирилаётганлигига, қуролланиш учун катта-катта маблағлар сарф қилинаётганлигига сабаб ҳам мана шудир. Янги урушни тарғиб қилишда ҳаддан ошган шахсларнинг Америка Қўшма Штатларини полициячилар, фашистлар давлатига айлантириб юбораётганликлари сабаби ўзларининг ваҳимага тушаётганликларини ҳатто, буржуа газеталари ҳам яшираолмайётирлар.

Америкада чиқадиган «А. Ф. Стоунс Уикли» деган ҳафталик бюллетеньда яқинда бир редакцион мақола босилиб чиқди. Шу мақолада бундай дейилади: «Вашингтонда вазият шу даражагача келиб қолдики, коммунизмни қувватлашда айбланишдан қўрқанликлари учун конгресснинг камдан-кам а'золаригина мамлакатнинг ўзидаги позициялари блан ҳисоблашмоқдалар. Ҳатто ёки чет мамлакатларда уруш олиб боришга қарши гапиришга жур'ат қилаоладилар. Урушга ёки фашизмга орзуманда бўлиб ақлдан озганлар жуда кам бўлса ҳам, лекин биз уруш ва фашизм сари ҳаракат қилмоқдамиз... Бирнеча қутурган ит вовуллаб ва акиллаб олдинга ҳайдаб бораётган қўйлар подаси сингари улуғ миллатни ҳалокатга олиб бормоқдалар. Эркин халқнинг ўз тақдирига шунчалик кам хўжайин бўлганлигини кўрсатучи мисоллар тарихда жуда кам топилади».

Америка империалистлари мана шундай талвасали вазият вужудга келтирмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси мумкин қадар кўпроқ фойда олиш мақсадида, меҳнаткашларни янада кўпроқ асоратга солиш мақсадида қилинмоқда.

Жаҳонга ўз ҳукмронлигини ўрнатиш планларини ўйлаб юрган америкали империалистлар, бизнинг замонимизда катта ва айниқса кичик давлатларнинг миллий суверенитети ўтмишнинг зарарли сарқитидир, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Улар ўзларини тинчликнинг «ҳимоячилари» қилиб кўрсатиб, Ғарбий Европа мамлакатларининг ва бошқа мамлакатларнинг экономикасини ўз қўлларига ўтказиб олмоқдалар, шу мамлакатларни ўзлари учун қарам ерларга айлантирмоқдалар, шу мамлакатларда американча тартибларни ўрнатмоқдалар. Улар одамларнинг энг яхши ҳисларини —она-Ватанга муҳаббат, Ватаннинг озодлигига ва миллий мустақиллигига муҳаббат ҳисларини бўғмоқдалар.

Империалистларнинг Совет Иттифоқига ва халқ-демократияси мамлакатларига йиртқичларча ғазаб блан қараётганликларининг сабаби ҳам ма'лум. Улар шу мамлакатларнинг халқлари ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, демократик тартиблар ўрнатганликларига ва америкали империалистларга ҳамда бошқа империалистларга халқ-демократик давлатларда босқинчилик қилишга йўл бермаётганликларига сра чидай олмаётирлар.

Фактлар шуни кўрсатадики, империалистик давлатларнинг ба'зибир ҳукмрон доиралари ўзлари ўйлаб чиқарган афсонадан, я'ни бизни зўравонлик позициясига асосланган шум сиёсат блан қўрқитиш мумкин, деган афсонадан воз кечишни истамаётирлар. Совет Иттифоқига келганда, империалистик жаноб-ларнинг дўқларига, совет халқи дўқлардан ҳеҳқачон қўрққан эмас ва қўрқмайди, деб ҳамиша жавоб бериб келганмиз ва шундай деб жавоб бермоқдамиз. **(Қарсаклар).** Дўқ уриш методи совет халқига нисбатан биринчи марта қўлланилаётгани йўқ. Ма'лумки, Гитлер ҳам зўравонлик блан Совет Иттифоқини тормор келтиришни орзу қилган эди. Лекин бу урининг Гитлернинг ва шерикларининг ҳалок бўлиши блан тугаганлиги ҳаммага ма'лум. Бизнинг халқимиз ўз кучларини яхши билади ва шу кучларни ишлатишга уни мажбур қилар эканлар, у ҳарқандай агрессорни янчиб ташлайди. **(Гулдурос қарсаклар).** Халқ демократияси мамлакатлари ҳам ҳозир ўзларининг илгариги аҳволларидан бутунлай бошқачадирлар. Улар ўсиб мустаҳкамландилар ва ҳужум бўлиб қолган такдирда, сра бўш келмайдилар, ўз ғалабаларини сақлаб қололадилар. **(Давомли қарсаклар).**

Биз тўла ишонч блан айтишимиз мумкинки, Совет Иттифоқини, Хитой Халқ Республикасини, Чехословакия Республикасини, халқ демократиясининг ҳамма мамлакатларини бирлаштиручи, мустаҳкам дўст бўлиб жипслашган демократия ва социализмнинг қудратли лагери ҳарбий авантюра ишқибозларига боплаб зарба беришга қодирдир. **(Қарсаклар).** Агар империалистлар янги, учинчи жаҳон урушини бошлаб юборадиган бўлсалар, шу урушда ўзлари бўғилиб қоладилар ва бу уруш капиталистик дун'ёнинг ҳалок бўлиши блан тугайди. **(Давомли қарсаклар).**

Демократик лагерь мамлакатларининг халқлари фашизмга ва реакция кучларига қарши шиддатли кураш олиб бориб, бу курашда ўз озодликларини, миллий мустақилликларини қўлга киритдилар, капиталистларни ва бошқа эксплуататорларни аралаштирмасдан, ўзлари учун энг яхши ҳаёт қуриш ҳуқуқини олдилар. Улар бу ғалабаларни ҳеҳқачон ва ҳеҳкимга бермайдилар. **(Қарсаклар).**

Чехословак халқи немис помешчиклари ва капиталистларининг зулми остида кўп асрлар давомида азоб тортди ва уларга қарши фидокорона кураш олиб борди; немис помешчиклари ва капиталистлари чехословак халқининг миллат бўлиб яшашини хавф остида қолдирган эдилар. Халқ-демократик Чехословакия давлатининг озодлиги ва мустақиллиги, унинг янги, социалистик турмуш қуриш ҳуқуқи жуда қимматга тушди, буни қўлга киритмоқ учун чехословак халқининг жуда кўп энг яхши фарзандларининг қони тўкилди ва ҳаёти қурбон бўлди. Модомики, шундай экан, чехословак халқи Америка Қўшма Штатларидаги ҳукмрон доиралар ва уларнинг Европадаги кўмакчилари томонидан ўтказилаётган сиёсатга, я'ни герман империализмини қайтадан тиклаш сиёсатига рози бўлиши мумкинми, ахир? Равшандирки, немис фашистларидан катта-катта азоб тортган чехословак халқи бунга рози бўлиши мумкин эмас. Чехословакия халқлари Европанинг хавфсизлиги учун қунт блан курашмоқдалар, Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатларининг халқлари блан, бутун дун'ёда тинчлик учун курашучиларнинг ҳаммаси блан қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Тинчлик учун кўрашаётган барча кишиларнинг инсонят олдидаги бурчи улар зиммасига янги уруннинг бошланиб кетишига йўл қўймаслик, агрессив доираларнинг планларини бузиб ташлаш мажбуриятини юклайди, машҳур чех ёзувчиси Карел Чапекнинг сўзи блан айтганда, илонларнинг заҳар сочишига ва йўлбарсларнинг ўз тишларини ишга солишларига йўл қўймаслик учун шундай қилиш керак.

Жаҳонда соғлом кучлар бор ва бу кучлар катта кўпчиликни ташкил қилади. Бу кучлар — халқ оммасининг ўзидир. Улар тинчликни мустаҳкамлаш позициясида турибдилар ва янги урушни бошлашга уринаётган агрессорларга йўл қўймаётирлар. Прогрессив кучлар фақат Европадагина эмас, Америкада ҳам, жаҳоннинг ҳамма қит'аларида ҳам ўз ишларини олиб бормоқдалар.

Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, Осиёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун, ҳарқандай империалистик агрессиянинг олдини олиш учун, атом, водород қуролларидан ва кўплаб қирадиган қуролларнинг бошқа хилларидан фойдаланишни ҳеч сўзсиз тақиқлаш учун халқаро муносабатлардаги кескинликни янада юмшатиш ҳамда халқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни яхшилаш учун курашни барча тинчликсевар кучларнинг энг муҳим вазифасидир.

Ўртоқлар! Чехословакия Коммунистик партиясининг ўнинчи с'езди мас'улиятли вазифаларни ҳал қилмоқда. У, тўққизинчи с'езддан кейин ўтган беш йил ичида партия томонидан қилинган ишларни якунлайди, эркин ва демократик Чехословакияда социализм негизларини қуришнинг бундан буёнги йўлларини белгилаб беради. Мамлакатингиз тараққиётининг ҳозирги замондаги бутун тарихи, шу с'езднинг ишлари Чехословакия Коммунистик партияси Чехословакия халқларининг танилган йўлбошчиси ва синалган раҳбари эканлигини кўрсатади. Чехословакия халқлари ўзларининг кўп йиллик тажрибалари натижасида шу нарсага қаноат ҳосил қилдиларки, Коммунистик партиянинг бутун фаолияти халқ фаровонлигини оширишга қаратилган фаолиятдир ва фақат халқ манфаатларини кўзлаб қилинаётган фаолиятдир. Партия халқнинг ишончига ва қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. Буни, жумладан, Коммунистик партия раҳбарлигидаги чехлар ва словаклар Миллий фронтининг халқ ҳокимияти маҳаллий органларига — миллий комитетларга яқинда бўлиб ўтган сайловларда ғалаба қозонганлиги яққол кўрсатиб берди. Бу сайловлар чехословак меҳнаткашларининг ўз Коммунистик партияси тевирагида жипслашганлигини кўрсатучи янги намойишга айланди.

Улуғ Ленин 1921 йилдаёқ, Чехословакия Компартияси тўғрисида гапириб, меҳнаткашларнинг кўпчилигини партия томонига тортиш, ишчиларни партияга жалб қилишни давом этдириш ва шу тарика енгилмас куч вужудга келтириш зарурлигини та'кидлаб ўтган эди.

Чехословакия Коммунистик партияси эндиликда қақиқатан улуғ куч бўлиб қолди. У, чехословак меҳнаткашларининг ишончига, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳурматига

Қорасув районидаги Максим Горький номли колхоз далаларида сабзавотдан мўл ҳосил етишмоқда. Ҳозир колхознинг барча бригадаларида эртаги карам йиғиб олинмоқда. **Суратда:** колхознинг 12-нчи бригадасида карам терими.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Редакция почтасидан

Намунали кафэ эмиш

Революция скверидаги намунали «Ўзбекистон» кафэси хушманзарали, ям-яшил дарахтлар соя ташлаб турган ерга жойлашган.

Бу ерга овқатланиш учун келиб турадиган кишиларнинг сони узилмайди. Бироқ, кишиларга ўтириш учун кафэда стул етишмайди. Бунинг устига навбат кутиб ичкарига кириб жой топган киши официанткаларнинг заказ олишини кутиб тоқати тоқ бўлади.

Яқинда, овқатланиш учун келган клиент Ёқубов ва Танибергановлар официантка Ломоносованинг столига ўтиришдилар. Орадан 20—25 минут ўтгач, Ломоносова келиб менюни узатди. Улар менюдаги кўрсатилган овқатдан манти ёки лагман келтиришни айтганларида, официантка лабини буриб:

Бунақа овқатлар бизда тайёрланмаётганига кўп вақт бўлди. Бизда фақат 3—4 хил овқат бор, — холос деди.

Клиентлар менюда 30 га яқин овқатнинг номи кўрсатилганининг сабабини билиш учун зал мудири Виноградовани чақиришдилар. У клиентларнинг шикоятини эшитиш ўрнига, томдан тараша тушгандек:

— Биродарлар, менюда ёзилган блан ҳамма кўрсатилган овқат бўлавермайди. Бизда бориқ еяверинг, бўлмаса бундан ҳам қуруқ қолиб, оftобда бир соат кутганингиз қолади, деб гапни калта қилақолди.

Ўртоқ Виноградованинг бу қўпол муомаласидан хафсаласи пир бўлган Ёқубов туриб кетмоқчи ҳам бўлдику — лекин вақтнинг бекор кетишига ачиндида қандайдир овқат буюрди.

Бундан ташқари кафэда клиентларнинг ҳақига хиёнат қилучи официанткалар ҳам бор. Бунга мисол қилиб Афанасьевангина кўрсатиш кифоя. У, худди шу куни Октябрь районида туручи Усмонов ва Тўхтаевлар овқатланган кирганда улардан еган овқати учун 17 сўм 75 тийин ўрнига 25 сўм олиб қолган. Бундай ҳоллар якка-ягона эмас.

«Ўзбекистон» кафэсида (директори ўртоқ Саломов) таомлар хилма-хил ва сифатли қилиб тайёрланиши ва тартиб ўрнатилиши лозим.

С. ҲУСАНОВ,
А. САТТОРОВ.

„Нервний хоним“

Максим Горький номли Маданият ва истироҳат боғининг ёзлик театрига кираверишда бирдан шовқин-сурон бошланиб қолди.

— Сифатсиз эмиш, музлари эримаган, қуруқ кўпикдан иборат эмиш, бекорчи гап. Қани муз? — сотучи хотин жаҳлдан бўғилиб бақирар эди, — одамларга ҳайронсан, берганингни индамасдан еб кетавермайдими, писанда ҳам қилишади-я. Буларникн хизматга туҳмат.

Ҳалидан-бери сотучининг бу қўпол муомаласига ҳайрон бўлиб туришган қизлар энди чидайолмадилар.

— Опажон, текинга хизмат қилаётганингиз йўқ, давлат сизга ойлик тўлайди. Ҳақ гапни гапирсак, нега жаҳлингиз чиқади, — дейишди улар. Жанжалга официантка аралашди.

— Кечирасиз қизлар, опангиз бироз нервнийроқ, ҳаразмонда жаҳли чиқса, шунақа қилади. Бўлмаса ўзи туппа-тузук одам, — деди.

Қалиги қизлар — «Ташхолодильник» комбинатининг хизматчилари А. Антинова ва Л. Пономаревалар эди, улар:

— Опамизнинг дардига шифо бersин, — дедилар-у, елкаларини қисиб, ўз ишларига жўнаб кетдилар. Лекин, қизларнинг талаби ҳақли талаб эди.

«Нервний хоним» — Малика Султонова бугда мороженое сотадиган 3-нчи павильоннинг филиалида ишлайди. Филиал «жуда қулай» жойга — одамлар сайр қиладиган йўлканинг қоқ ўртасига жойлашган. Дам олиш кунлари қаршидаги залда театр ёки концерт бўлиб қолгундай бўлса, филиал чанг-тўзон ичида қолиб кетади. Марказий район савдо бўлимининг бошлиғи И. Эрматов бундан бутунлай хабарсизмикин? Хабарсиз бўлса ҳабардор бўлиб қўйсин.

Бир стулга икки-уч киши

Дам олиш куни. Пушкин номли парк-нинг кичкинагина кўли яқинидаги мороженоехона одамлар блан гавжум. Стол стуллар етишмаганлиги сабабли, ўтиришга жой йўқ. Муздаккина мороженое егиси келганларнинг олди бир соат, кети ярим соатдан бери жой кутиб туришипти.

Шундай катта павильонда фақат бир киши — Холнисо Усмонова савдо қилмоқда. У шу қадар шошиб-пишиб ҳаракат қилаяптики, балли дейсиз. Биз Усмоновадан:

— Иккита тарози қўйиб, икки киши савдо қилсанглар, стол-стуллар кўпайтирилса дуруст бўлмайдими? — деб сўраб қолдик. У бўлса:

— Э, нимасини айтасиз, — бизда ортиқча стол-стуллар йўқ. Буни мудиримиз Зокир Усмонов жуда яхши биладилар. Лекин у, база блан гаплашиб, бу камчиликларни тўғрилашга ҳавсала қилмайди. Ҳа, айтгандай, у кишининг оворагарчиликка тоқати йўқ. Тоқат бўлмагандан кейин...

Сотучи официанткаларнинг кутиб турганини сезди-да, ишга киришиб кетди. Биз қайрилиб орқамизга қарадик, — у, уни гапга тутганлигимиз учун ўзимизни койидик. Чунки, бир стулга энди 2—3 кишидан тўғри келиб қолган эди.

«Ташхолодильник»нинг 3-нчи база ма'мурияти ахолининг талабларини ҳисобга оладими, йўқми?!

У. ЖОНГИТОВ.

Колхозда ободончилик

Оҳангарон район. Фрунзе қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз қишлоғининг қиёфаси тез сур'атлар блан ўзгармоқда. Шу йил мобайнида колхозда медицина пункти, меҳнаткашлар учун ўндан ортиқ уй-жой биноси қурилди. Шунингдек колхоз правлениеси ва активларининг уйлари телефонлаштирилди, 200 га яқин хонадон Ильич чироқлари блан ёритилди.

А. ИУЛДОШЕВ.

Болалар боқчаси учун янги бинолар

Гулистон районидаги Пушкин номли колхоз правлениеси колхозчиларнинг болаларини боқчада тарбиялаш ва болалик хотинларнинг дала ишларида узлуксиз қатнашишларини та'минлаш мақсадида болалар боқчаси учун ҳарбири 4 хонадан иборат иккита янги типовой бино қурди.

Ҳозир бу болалар боқчасида колхозчиларнинг 100 дан ортиқ болалари тарбияланмоқда.

Т. РЎЗИБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Мирзачўлда халқ маорифига э'тибор берилмаётир“

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 10 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Мирзачўл районида умумий мажбурий та'лим қонунини амалга оширишда жиддий камчиликларга йўл қўйилиб келинаётгани кўрсатилган эди.

Ўзбекистон КП Мирзачўл район комитетининг секретари ўртоқ Қурбонқулов нинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. 14 майда район партия комитетининг бюро мажлисида халқ маорифи мактабларида имтихонларга тайёргарликнинг аҳволи тўғрисида масала муҳокама қилинган ва район халқ маорифи ишидаги камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланган.

Босилмаган хабарлар изидан

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясига келган хатлардан бирида Тошкент шаҳар Октябрь районидаги III-нчи болалар боқчасида яхши тартиб ўрнатилмаганлиги, тарбия ишлари эса ҳозирги талабга тўла жавоб бермаслиги, болаларнинг келиб-кетиш графиги тузилмаганлиги, эрталаб соат 10 да келган болалар тарбиячисиз кўчада ўйнаб юриши, шунингдек болаларнинг ўйнаши ва дам олиши учун боқчада қулай шароит яратилмагани кўрсатилган эди.

Редакция фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни Тошкент шаҳар маорифи бўлимига юборган эди. Шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Тожиевнинг хабар қилишича текширишда хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Болалар боқчасидаги камчиликларни йўқотиш ва ишни тупдан яхшилаш тадбирлари белгиланган ҳамда амалий ёрдам берилган.

Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездида

ПРАГА, 12 июнь. (ТАСС). Бугун Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездида Марказий комитетнинг ва Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботларини муҳокама қилиш давом этди.

Биринчи бўлиб П. Грон минбарга чиқди. У, Сломоуцк области меҳнаткашларининг маданий фаровонлиги ўсаётганлигини ва деҳқонлар коллектив хўжаликларнинг афзалликларини тобора кўпроқ тушуниб, илғор агротехника методларини хурсандлик блан татбиқ қилаётганларини гапириб берди.

Делегат В. Эндилихэр ўз нутқини Брно областидаги район партия ташкилотларининг идеология ишларида бўлган камчиликларга бағишлади.

С'ездда раислик қилучи Яромир Доланский Совет Иттифоқи Коммунистик партияси номидан табриклаш учун КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчевга сўз берди.

С'ездагиларнинг ҳаммаси ўринларидан турадилар ва давомли овация қиладилар. «Ура» садолари янграйди, «Яшасин Совет Иттифоқи» деган хитоблар эшитилади.

Делегатлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини катта э'тибор блан тингладилар ва овацияга айланиб турган олқишлар блан нутқни кўп марталаб бўлиб турдилар.

Н. С. Хрушчевнинг охирги сўзлари бирнеча минут давом қилган кучли овация блан қопланди. С'езд делегатлари ўринларидан туриб партия гимни «Интернационал»ни айтдилар.

Қисқача танаффусдан кейин музокаралар давом этди.

Руминияда Совет маданиятига бағишланган виставкалар

БУХАРЕСТ, 12 июнь (ТАСС). Яқинда Констанца шаҳридаги Пушкин номли залда совет китоблари виставкаси очилди. Бу виставкага румин ва рус тилларидаги сиёсий, техника ва бадиий адабиётлардан 1500 томдан кўпроқ китоб қўйилган. Шу кунгача виставкани шаҳар меҳнаткашларидан 18 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди.

10 июнда Яссада «Совет тасвирий сан'атининг янги асарлари» деган темада виставка очилди. Виставкани биринчи куниёқ бир мингдан кўпроқ киши келиб кўрди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 37-нчи конференцияси

ЖАНВА, 13 июнь. (ТАСС). Конференциянинг ялпи мажлисларида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳузуридаги Халқаро меҳнат бюроси (ХМБ) бош директорининг докладини муҳокама қилиш давом этмоқда. Бу масала юзасидан ҳозиргача 30 га яқин делегат сўзга чиқди.

Кўп делегатлар ўз сўзларида иқтисодий аҳволга тўхталиб, капиталистик мамлакатларда қуролланишга қилинаётган харажатлар аҳолини иш блан та'минлаш проблемасининг ҳал этилишини ва унинг турмушини яхшилашни қийинлаштираётганлигини та'кидлаб ўтмоқдалар.

Австралия касаба союзларидан вакил бўлиб келган делегат Кенни дедики, ишчилар бир нарсани тушинаолмаётирлар: қуроллашишга маблағ топиш мумкин бўлгани ҳолда, тинч шароитда аҳолини иш блан та'минлаш учун мумкин эмас?

Ҳиндистон ҳукумат делегати Макержи уқтириб ўтдики, сиёсий аҳволнинг кескинлиги ва иқтисодий ресурсларнинг одамларни қирадиган қуроллар тайёрлашга ҳамон сарфланаётганлиги халқларнинг турмуш даражасини юксалтириш проблемасини ҳал этишни қийинлаштирмоқда. Бутун дун'ёдаги яхши ниятли кишилар деди у, барча мамлакатларнинг давлат арбоблари халқаро вазиятдаги кескинликни камайтириш учун ва экономикани, жумладан кам тараққий этган мамлакатларнинг экономикасини ривожлантириш учун маблағ ажратиш имкониятларини топадилар деб ишонмоқдалар.

Ҳиндистон делегати Совет Иттифоқининг Халқаро меҳнат ташкилотига яна а'зо бўлганлигидан ва бу ташкилотга Украина ҳамда Белоруссия Совет Социалистик Республикалари а'зо бўлиб киргганлигидан мамнун эканлигини айтди.

Кўпгина делегатлар капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг аҳволи оғир эканлигини, айниқса уй-жой шароити жиҳатидан оғир эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Конференциянинг ишида СССР, Украина ССР, Белоруссия ССР делегациялари ва халқ демократияси мамлакатларининг делегатлари актив қатнашмоқдалар.

Югославияда иқтисодий қийинчиликлар

БЕЛГРАД, 13 июнь. (ТАСС). Югославия скупшчинаси мажлисида 1954 йилнинг 1-нчи квартали давлат планининг бажарилиши ҳақида доклад қилган ижроия вече а'зоси Осмон Карабегович та'кидлаб ўтдики, гарчи шу йилнинг биринчи кварталида экспорт ўтган йилнинг биринчи кварталидаги экспортга нисбатан кўпайган бўлса ҳам, лекин унинг миқдори пландаги суммага етмади. Январь-март ойлари даврида, деди ўз сўзини давом этдириб Карабегович, 22 миллиард динарлик хилма-хил товарларни экспорт қилиш кўзда тутилган эди, фақат 15 миллиард динарга яқин товар чиқарилди, холос.

Карабегович айтдики, март ойида улгуржи нархлар ўтган йилнинг декабридагига нисбатан 5 процент ошди. Саноат молларининг чакана нархлари ҳам ошиб бормоқда. Биринчи квартал мобайнида саноат молларининг чакана нархлари 3,5 процент, шу йилнинг беш ойи ичида эса 5 процент ортган.

Сўнгра Карабегович пахта, жун, прокат, кокс ва бошқа материаллар етишмаганлиги натижасида Югославия саноати ҳозирги вақтда қийинчиликлар кечираётганлигини айтди.

Белградда қимматчилик ошмоқда

БЕЛГРАД, 13 июнь. (ТАСС). «Белградске новине» газетасининг хабарига қараганда, Белградда май ойида қимматчилик апрель ойидагига нисбатан 3,5 процент ошган. Асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари қимматлашган.

„Француз сиёсатининг, миллий мустақиллик ва тинчлик сиёсатининг тантанасини та'минлайлик“

Франция Коммунистик партиясининг баёноти

ПАРИЖ, 13 июнь. (ТАСС). Ланьель ҳукумати исте'фо берганлиги муносабати блан республика президенти кеча консультация қилабошлади. У даставвал Миллат мажлисининг раиси Ле Трокэр блан, Республика кенгаши раиси Монервиль блан ва Миллат мажлисининг фахрий раиси Эдуард Эррио блан суҳбат қилди. Сўнгра у социалистик партия парламент группасининг делегациясини ва Коммунистик партиянинг делегациясини — депутатлар группаси раисининг ўринбосари Бальдек Роше бошлиқ делегациясини қабул қилди. Бальдек Роше ёнида Республика кенгашидаги Коммунистик партия группасининг раиси Жорж Марран ва Республика кенгаши а'зоси Вальдек Л'Юилье ҳам бор эди. «Юманите» газетасининг хабар беришича, Республика президенти блан суҳбат қилган вақтда коммунистик группа вакиллари баёнот берганлар. Бу баёнот Франция Коммунистик партиясининг 12 июньдаги баёнотига мувофиқдир. Бу баёнот бугун мазкур газетада э'лон қилинган.

Франция Коммунистик паритясининг баёнотида бундай дейилади:

«Миллат мажлиси 293 овозга қарши 306 овоз блан ҳукуматга ишончсизлик билдирди.

Ҳукумат кризиси Ҳинди-Хитой халқига қарши олиб борилаётган адолатсиз урушнинг давом этдирилиши муносабати блан француз халқининг ғазаби ўсиб бораётганлигини акс этдиради.

Бундан ташқари, ҳукумат кризиси миллатнинг манфаатларига зид бўлган ва Маршалл планининг, Атлантик пактнинг ҳалокатли оқибатлари блан янада оғирлашган сиёсатдан халқнинг норози эканлигини акс этдиради. Маршалл планига ва Атлантика пактига қарши энг бошданоқ фақат бизнинг партиямиз кураш олиб борди.

Ҳукуматнинг Ҳинди-Хитойга нисбатан кўраётган кейинги тадбирлари, масалан, армияга муҳлатидан илгари чақириш, типик қарбий тадбирлардан, Ланьель ва Бидо ҳалокатли Бонн битимларини ва Париж шартномасини ратификация қилдиришга эришиш мақсадида таз'йиқни кучайтирмоқдалар. Улар америка миллиардерларининг Франциянги асоратга солишини кундан-кунга кучайтирдилар. Ланьель блан Бидонинг ағдариб ташланиши тинчлик кучларининг муваффақиятидир.

Эндигина қораланган сиёсатнинг тарафдорлари ҳозир бошқача ҳеҳқандай сиёсатни юргизиш мумкин эмас, деб да'во қилажаклар. Улар бу сиёсатни давом этдириш мақсадида кечаги ҳукуматдан жуда кам фарқ қиладиган ҳукуматни тузиш учун жонжаҳдлари блан урунажаклар. Бу ҳукумат мамлакатнинг ташқи сиёсатини юргазишни МРП арбобларига — миллий манфаатларни ҳимоя қилишдан бош тортаётган ва Франциянинг манфаатларига хиёнот қилаётган партия арбобларига топшириб қўярди.

Халқнинг ҳаётий манфаатлари эса, аксинча, янги сиёсат юргазишни ва янги ҳукумат тузишни талаб қилади.

Яқин келгусида бошқа сиёсат юргазиш ихтимоли борлигини назарга олиб, Франция Коммунистик партияси ана шундай сиёсатга йўл очиб бериш учун қўлдан келган ҳамма нарсани қилишга бел боғлагандир.

Шу муносабат блан Франция Коммунистик партияси шу йил 7 июньда партиянинг бош секретари Морис Торез томонидан партиянинг XIII миллий с'ездида қилинган баёнотни эслатиб ўтишни фойдали деб хисоблайди.

«С'езд Марказий комитетнинг Жак Дюкло тақдим этган докладини якдиллик блан ма'қуллаб, француз сиёсатининг ориентациясини ўзгартиришни мумкин қилиш мақсадида, чунки буни бутун мамлакат хоҳлайди, учта муҳим миллий талабни, чунончи:

1. Ташқи сиёсат соҳасида — Бонн битимларини ва Париж шартномасини ратификация қилишдан бош тортиш, Ҳинди-Хитойда жангни тўхтатиш, Европада коллектив хавфсизликни ташкил қилиш ва буюк давлатлар ўртасидаги ихтилофларни музокаралар йўли блан ҳал этиш талабини;

2. Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг кечиктириб бўлмайдиган иқтисодий талабларини қондириш талабини;

3. Демократик эркинликларни эффектив ҳимоя қилиш талабини назарга олган сиёсатни қўллаб-қувватлашга партиямизнинг қарор берганлигини қат'ий равишда та'кидлади.

С'езд коммунистларнинг илгарига қараб қилинган ҳарбир самарали қадамни, ишчилар синфи ва халқ манфаатларига, тинчлик манфаатларига мувофиқ бўлган ҳарбир ҳаракатни парламентда ва мамлакатда қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр эканликларини та'кидлади».

Ҳозирги вақтда Ҳинди-Хитойда урош ҳаракатларини тўхтатиш ишчилар синфининг манфаатларига, халқ манфаатларига ва тинчлик манфаатларига ҳарбир нарсага қараганда ҳам, кўпроқ мувофиқ келади.

Мана бундай шароитда Франция Коммунистик партияси «жангни дарҳол тўхтатишни» ва сулҳ тузилишини ёқлаб чиққан ҳукуматнинг тадбирларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдиради.

Франция Коммунистик партияси ишчиларни — коммунистларни ва социалистларни, барча меҳнаткашларни, барча француз ватанпарварларни француз сиёсатининг, миллий мустақиллик ва тинчлик сиёсатининг тантанасини та'минлашга қарор берганликларини якдиллик блан ва бирлашган ҳаракатлари блан изҳор қилишга чақиради.

Франция Коммунистик партияси. 1954 йил 12 июнь».

СОВЕТ АРТИСТЛАРИ ШАРАФИГА КИМ ИР СЕН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ПХЕНЬЯН, 13 июнь. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлигининг (ЦТАК) хабар беришича, кеча КХДР министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен ҳозирги вақтда Кореяда бўлган совет артистлари делегацияси шарафига қабул маросими ўтказган. Қабул вақтида: КХДР Буюк Халқ Мажлиси Президиумининг раиси Ким Ду Бон, Корея Меҳнат партияси раисининг ўринбосари Пак Ден Ай, КХДР министрлар кабинети раисининг ўринбосарлари Пак Чан Ок, Ким Ир, Цой Чан Ик, Сон Мен Хи, Пак И Ван, КХДР Маданият ва пропаганда министри Хе Ден Сук, СССР блан маданий алоқа қилучи Корея жамияти (КОКС) Марказий правлениесининг раиси Ли Ги Ен ва КХДР нинг бошқа раҳбарлари, партия ва давлат арбоблари, шунингдек совет артистлари делегациясининг ҳамма а'золари ва СССРнинг КХДР даги муваққат ишлар вакили С. П. Лазарев ҳозир бўлдилар.

Ким Ир Сен нутқ сўзлади, шу нутқида у жумладан бундай деди: Мамлакатимиз озод қилинганидан бери олиб борилаётган қурилиш ва қурашнинг тўққиз йили ичида корейс халқи улуғ совет халқи блан дўстлик ва бирдамлик унинг ўз ҳаётидаги энг қиммати нарса эканлигига ишонди. Бу дўстлик ватанимиз тинчлиги, озодлиги ва демократик тараққиётининг ишончли гаровидир. Совет артистлари томонидан намойиш қилинган илғор сан'ат намуналари корея миллий сан'атининг янада ривожланишига ёрдам беради ҳамда ҳалқимизни урушдан кейинги даврда халқ хўжалигини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасида янги ғалабаларга илҳомлантиради.

Совет артистлари делегациясининг бошлиғи Е. Г. Авксентьев жавоб нутқи сўзлаб, Кореяда совет артистларининг самимий ва дўстона кутиб олинганликлари учун корейс халқига ҳамда КХДР ҳукуматига чуқур ташаккур изҳор қилди.

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИДА ЛАНЬЕЛЬ ҲУКУМАТИНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

ПАРИЖ, 12 июнь. (ТАСС). Бугун Миллат мажлисида ҳукуматга ишонч билдириш ҳақидаги масала юзасидан мунозараларни министрлар совети Раиси Жозеф Ланьель очди. Ма'лумки, бундан аввалги мажлисда, ҳукумат турли партияларнинг вакиллари тақдим этган ва Ҳинди-Хитойда юргизилаётган сиёсатни у ёки бу даражада қоралаган уч резолюция проектининг рад этилишини талаб қилганида ҳукумат озчиликда қолган эди. Ҳукумат бошлиғи ўша вақтда ишонч билдириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйган ва мазкур резолюцияларнинг рад этилишини талаб қилган эди.

Ланьель бугун мазкур резолюцияларга қарши яна э'тироз билдириб, ҳукумат тарафдори бўлган кўпчиликни ташкил этган депутатларни «ҳозирги шароитда» ҳукумат кризиси туғдирмасликка чақирди. Ланьель ўнг группалардаги депутатларга мурожаат қилиб, ҳукуматнинг ағдариб ташланиши ҳозиргача юргизилиб келаётган сиёсатнинг ўзгартирилишини ва Атлантик иттифоқдан воз кечишни талаб қилажак деб дўқ қилди.

Сўнгра депутатларнинг овоз бериш мотивларини изоҳлаб сўзлаган нутқлари бошланди. Социалистик партия парламент группасининг раиси Шарль Люсси бу группанинг ҳукуматга қарши овоз беражагини айтди. ЮДСР а'зоси Франсуа Миттеран Ланьельни у «Миллат мажлисини тарқатиб юбориш блан дўқ қилиб ва ҳукуматнинг исте'фо бериши Ҳинди-Хитойдаги француз экспедицион корпусини хавф остида қолдириши мумкин деб да'во қилиб, ҳамма нарсани чуволиштириб юбормоқчи бўлди» деб айблади. Франсуа Миттеран ўз сўзининг охирида ҳукуматнинг исте'фо беришини талаб қилди.

Сўнгра овоз бериш бошланди. Миллат мажлиси ҳукуматнинг талабини 306 овоз блан рад этди. Ҳукуматни ёқлаб 293 овоз берилди.

Овоз бериш натижалари ҳукуматнинг ағдариб ташланганлигини билдиради, чунки унинг талаби овозларнинг нисбий кўпчилиги блан рад этилди, лекин бу — конституцион кўпчилик эмас, (конституцион кўпчилик — палата а'золарининг ярмидан кўпи — 314 овоздир). Ҳукумат бошлиғи бундай маглубиятдан кейин кабинетнинг исте'фоси ҳақида республика президентига ариза топширганда ҳам президент буни рад этиши мумкин.

ВЬЕТНАМДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ШАНҲАЙ, 12 июнь. (ТАСС). Вьетнам информацион агентлиги хабар беради: 31 майда ва 2 июньда Вьетнам халқ қўшинлари Ханой блан Хайфон ўртасидаги 5-нчи сонли стратегия йўли бўйлаб темир йўлдан бораётган ва Америка қурол-яроғлари ортилган икки француз эшелонини портлатдилар. Темир йўлнинг шу участкасида 11 мартдан бери душманнинг ҳаммаси бўлиб 22 эшелони портлатилди. 31 майга ўтар кечаси маҳаллий халқ қўшинлари Хай-Дуонг шаҳрининг 12 километр шарқи-шимолидаги, ўша йўлнинг бўйидаги Ко-Дунг номли душман постини емириб ташладилар.

8 июньда Вьетнам Халқ армияси Хонгуен шаҳридан Трие-Дуонгдаги қуршовда бўлган француз гарнизонига ёрдам кўрсатмоқ учун бораётган француз батальонининг олдидан тўсиб чиқди. 15 минут давом қилган жангдан кейин Вьетнам Халқ армиясининг қисмлари шу батальонни бутунлай деярли қириб ташладилар.

Агентликнинг бошқа бир хабарида айтилишича, 2 июньда Вьетнам халқ армияси Хайфондан 14 ва 16 километр нридаги икки француз постини емириб ташлаган.

4 июньда Вьетнам Халқ армиясининг қўшинлари Хай-Дуонг шаҳрининг 8 километр ғарби-шимолидаги французларнинг муҳим Ван-Тай постини емириб ташладилар. Дастлабки ма'лумотларга қараганда, Халқ қўшинлари душманнинг 70 солдатини ўлдирганлар ҳамда кўп миқдорда қурол-ярог ва ўқ-дорини қўлга туширганлар.

Вьетнам Халқ армиясининг қисмлари Ту-Дау-Мотнинг 8 километр шимолида, Кау-Динь даги душман секторига атака қилган вақтларида душманнинг бир ротасини бутунлай қириб ташладилар, ҳархил типдаги юстадан кўпроқ қурол-яроғни, 18 тонна ўқ-дорини қўлга туширдилар ҳамда душманнинг иккита тўпини ва иккита броневигини емириб ташладилар.

ГДР блан Индонезия ўртасида савдо битими

БЕРЛИН, 12 июнь. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради: 9 июньда Жакартада Индонезия республикаси блан Германия Демократик Республикаси ўртасида товар етказиб бериш ва тўловлар ҳақида битим имзоланди.

Бу битимга биноан Германия Демократик Республикаси Индонезиядан каучук, қалайи, тери, мойли ўсимликлар, чой, тамаки ва бошқа товарлар олади ҳамда Индонезияга машинасозлик ва электротехника саноати маҳсулоти, аниқ механика ва оптика маҳсулоти, ойна-шиша керамика саноати аш'ёлари, газлама ва химия маҳсулотлари етказиб беради.

Миср ва Саудия Арабистони Туркия — Покистон пактида иштирок қилишга қарши бўлиб чиқмоқдалар

ҚОҲИРА, 12 июнь (ТАСС). Миср миллий раҳбарлик министри Салоҳ Салим бугун матбуот конференциясида гапириб, Миср ҳали ҳам аввалгидек империалистик блокларда қатнашишга қарши бўлиб чиқмоқда ва жумладан, Покистон—Туркия пактини рад қилади, деб айтди.

Ўзининг Саудия Арабистонига яқинда бориб келганлиги ва Король Сауд блан музокаралар олиб борганлиги тўғрисида берилган саволга жавобан Салим айтдики, арабларга доир бошқа проблемалар блан бир қаторда «ба'зи араб мамлакатларини Покистон—Туркия пактига тортиш йўлида ғарб мамлакатлари томонидан қилинаётган уринишлар сабабли» Яқин ва Ўрта Шарқда рўй берган аҳвол ҳам муҳокама қилинди. «Миср ва Саудия Арабистони, — деди Салим, — бу уринишларни бекорга чиқариш учун ўзларининг бутун кучларини сарф қилишлари зарурлиги тўғрисида битимга келдилар».

Арабларнинг ҳечбири, — дедй Салим, — «араблар дун'ёсининг ҳарбир қисмида арабларнинг манфаатларига қарши агрессорли қилаётган мамлакатлар блан бирор иттифоқ тузиш тўғрисида ҳатто ўйлашлари ҳам мумкин эмас».

Немис футботчилари Москвага келдилар

Совет спорт ташкилотларининг таклифига мувофиқ, «Форвертс» марказий спорт клубининг (Германия Демократик Республикаси) футбол командаси 13 июньда Москвага келди.

Совет ва немис футболчиларининг биринчи учрашуви 16 июньда Москвада «Динамо» марказий стадионида бўлади. «Форвертс» командаси блан «Торпедо» жамиятининг Москва командаси ўйнайди (ТАСС).

Совет хотин-қиз баскетболчилари командаси — Европа чемпиони

БЕЛГРАД, 13 июнь. (ТАСС). Белградда хотин-қизлар командалари ўртасида баскетбол бўйича Европа биринчилиги учун ўтказилган мусобақалар тамомланди.

СССР командаси биринчи ўринни ва баскетбол бўйича Европа чемпиони унвонини олди, Чехословакия командаси иккинчи ўринни, Болгария командаси учинчи, Венгрия командаси тўртинчи, Югославия командаси 5-нчи, Франция командаси 6-нчи, Италия командаси 7-нчи, Австрия командаси 8-нчи, Ғарбий Германия командаси 9-нчи ва Дания командаси 10-нчи ўринни олдилар.

Мусобақа тамомланганидан кейин чемпионат қатнашчиларининг паради бўлди. СССР Давлат гимни ижро этилгандан кейин совет командасига Халқаро баскетбол федерациясининг кўчма кубоги, Белград Халқ комитетининг олтин кубоги ва олтин медаль топширилди.

Ҳиндистон тинчлик тарафдорлари делегацияси Ўзбекистонга келди

Ҳиндистон тинчлик тарафдорларининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган делегацияси Тошкентга келди. Делегацияга умумҳиндистон тинчлик кенгашининг вице-президенти, ёзучи Пандит Сундерлад бошчилик қилмоқда. Делегация а'золарининг ҳаммаси — Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Берлинда бўлиб ўтган фавкулодда сессияси қатнашчиларидирлар.

Меҳмонларни Тинчликни ҳимоя қилучи Ўзбекистон республика комитетининг вакиллари, жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 15/VI да **Юрак сирлари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/VI да **Нурхон.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кеч соат 10 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 10 гача), СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА» (кеч соат 8—20 минутгача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 гача), ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ — янги немис бадиий фильми **Осойишталикни бузучилар.**

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Икки бойга бир қарол.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Менинг кичик дўстим.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 8 ва 10 да **Ваҳшийлар** (иккала серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — **Бой ила хизматчи** (рус тилида).

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ — **Бой ила хизматчи** (рус тилида), кеч соат 10 да **Янка.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли, «ХИВА» — **Осойишталикни бузучилар.**

«ИСКРА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Бой ила хизматчи.**

«ВАТАН» — **Партизан болалари.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Айбсиз айбдорлар.**

«ОКТЯБРЬ» — **Георгий Саакадзе** (иккала серия).

«9-НЧИ МАЙ» — **Марининнинг қисмати.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142

Р 01762. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1354.